

ИОНАС
АВИЖЮС
•
СЕХРЛИ
ТОЙЧОК.





ЧУМОЛИ БЎРИНИНГ АДАБИНИ БЕРГАНИ ҲАҚИДА

Ўрмон четида узунқулоқ куёни қувиб юрган бўри чумоли уясига дуч келибди. Чумолилар шаҳрини вайрон қилиш учун бўрининг биргина оёқ босиши кифоя қилибди. Бир неча кўчалар вайрон бўлибди, малика қасрининг рўнарасидаги ажойиб майдон ўрнида каттакон чуқурлик иайдо бўлибди. Яраланган чумоли-ю, эзиб ташланган тухумларнинг сон-саногии йўқ эмиш.

Ўрмондаги ҳайвон ва қушлар бу воқеадан хабар топиб ташвишга тушишибди. Жабрдийдаларга ҳамдardлик билдириш учун вакиллар жўнатишибди.

— Ҳурматли чумолилар! — вакилларга бошлиқ бўлиб келган айиқ сўз бошлабди: — Биз

бўрининг эҳтиётсизлигини қаттиқ қоралаймиз. Агар ўрмонда яшайдиган анқовлар шундай қилаверса, тез кунда бирорта ҳам чумоли уяси қолмайди-ку! Унда ўрмонда гиж-гиж бўлиб ётган зараркунадаларга қарши ким курашади? Касал тарқалиб, дарахт ва буталар қуриб кетса, бу ердаги қушлар ва ҳайвонлар қаёққа боради? Йўқ, бўрининг бу енгилтаклигини асло кечириб бўлмайди! Шунинг учун бўрини лаънатлаб, қурбон бўлганлар хотирасига уч кун аза тутамиз.

— Бундан нима фойда? — деб хўрсинибди чумолилар маликаси. — Ўлганлар тирилиб келармиди? Яхшиси, бўрининг адабини бериб қўйинг, зора бундан кейин ўйлаб нш қилса.

— Доно фикр, — дебди кўнгил сўраб келган олмахон. — Бўри иккинчи бундай қилмаслиги учун яхшилаб жазолаш керак. Ўзим жон деб унинг адабини бериб қўярдим-у, лекин, афсуски, кучим етмайди. Бошига ёнгоқ билан тақиллатиб уринга ярайман, холос. Аммо, бу жазо эмас, албатта.

— Оҳ, жонгинам, ганинг тўппа-тўғри! — унинг фикрига қўшилибди тулки. — Жазо бўлгандан кейин ҳақиқий жазо бўлсин! Аммо мендек бечора, кучсиз тулки нима ҳам қила оларди. Уни шундай жазолаш керакки, ўрмондаги барча уябузар анқовларга сабоқ бўлсин. Бунга менинг кучим етмайди. Тўғри, бўрининг кўзларини тимдалаш қўлимдан келади. Бироқ, ҳамма бало шундаки, мен унга қариндош бўла-

ман. Ахир қариндошчилик, андиша ҳам керак-да.

— Ҳақ гапни айтдинг, тулкихон, — унинг фикрига қўшилибди айиқ. — Жазолаганда ҳам шундай жазолаш керакки, қаттиққўллигимизни ва кичик дўстларимиз чумолиларни қандай ҳурмат қилишимизни ҳар қандай тартиббузар билиб қўйсин. Бошқаларни билмадим-у, лекин ўзим бўрининг биқинидан шундай дарча очиб қўяйки, етти пушти эслаб юрадиган бўлсин! Ишонаверинг! Шундай дўппослайманки, дунёга келганига пушаймон қилсин. Рост гап, сира ҳам аямаган бўлардим! Лекин... Битта лекини борда: бўри менга амакивачча бўлади. Етти ёт бегонани деб қариндошга қўл кўтариб бўладими? Агар ўзи мени дўппосла деса, бажонидил...

Шу пайт уядан кекса чумоли оқсоқланиб чиқибди. Унинг битта оёғини бўри майиб қилган экан.

— Бекорчи гапнинг нима кераги бор? — дебди у айиққа мурожаат қилиб. — Қариндош-уруғчиликнинг нозиклигини биз ҳам биламиз! Ҳамдардлик билдириб бўлдинглар, сизларга раҳмат. Энди йўлларингдан қолманглар. Бўрининг адабини қандай беришни ўзимиз топармиз. Сиздек бақувват ҳайвонларнинг ҳам қўлидан келмайдиган бир ишни ўйлаб қўйдим. Ҳурматли айиқ, сендан фақат бир нарсаин илтимос қиламан: ўзинг айтган охириги сўзларингни унутма. Ҳанини тугатиб чумоли оқсоқлаганича бўри-

Бирдан бўри жонланибди. Тўгри, чумоли нўхат эмас. Нўхат каттагина бўлади. У қаерда-ю, чумоли қаерда? Зигирдаккина нарса. Ростдан ҳам агар айиқ нўхатни уриб чиқарган бўлса, нега чумолини чиқаролмасин? Борсанг — бир бало, бормасанг — минг бало. Айиқнинг олдига бориш керак, бирор чора топар.

Бўри дардини айиққа айтиб:

— Мана бу қулогимга бор кучинг билан бир ур, ўлгунимча бу яхшилигингни унутмайман. Бу ҳам ёрдам бермаса, иккинчи қулогимга ур, рости гап, лаънати чумоли қайси қулогимдалигини ўзим ҳам билолмай қолдим, — дебди.

— Нима ҳам дердим, — дебди чумолининг хийласини фаҳмлаган айиқ. — Керак бўлса шундай қиламиз. Қариндошга қўл кўтариш яхши эмас, лекин ўзи илтимос қилса...

Шундан кейин айиқ бўрининг гоҳ у-гоҳ бу қулогига ура бошлабди. Шундай дўппослабдики, охири бўри ерга чўзилиб қолибди.

Шунда чумоли секингина бўрининг қулогидан чиқиб, қандай қнлиб унинг адабини берганини сўзлаб бериш учун ўз уясига жўнабди.

Айиқ ҳам ўз қариндошига яхшилик қилганидан ва у миннатдор бўлганидан хурсанд экан.

Хўш, бўрига нима бўлди дейснзми? У ҳаммадан бахтли экан: ахир даҳшатдан қутилганига ишонмай, анчагача чумоли гажиб ташламаганмикин деб, бошини ушлаб кўрар ва шодликдан иргишларкан.



ЙИГЛОҚИ БОДРИНГ ҲАҚИДА ЭРТАК

Қўзичогим, ҳозир сенга Йиглоқи деб ном олган бир бодринг ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Ўша бодринг саргайиб, бужмайиб, худди юз ёшга кирган чолга ўхшаб бели букилиб қолган экан. У билан бир пуштада етишган биродарлари эса ёш йигитлардай кўзни қувонтираркан.

— Вой-вой-вой, — деб Йиглоқи эртадан-кечгача гингширкан. Унинг бу гингшиши полиздаги сабзавотларнинг жонига теккан экап. — Вой-вой-вой, шунақа ҳам бахти қора бўламанми!.. Полизда мендан шўрнешонароги бўлмаса керак. Агар билсангиз, дунёда энг бахти қора сабзавот мен бўламан. Вой-вой-вой... Ўзининг қадрига етадиганлар ҳамма жирканадиган қулга ўхшаб

ерда судралиб юрганини қаерда кўргансиз? Мен тугилибманки, шу аҳволдамаи. Вой-вой-вой... Эрким ўзимда бўлганда, шу кунларга тушармидим? Асло! Мана ўзингиз кўриб турибсиз, мен бошқа бодрингларга қаттиқ боғлаб қўйилганман. Рост, ҳаммамиз гапни бир ерга қўйиб, ўша арқонни узиб ташлашимиз мумкин. Лекин бу биродарларимнинг ҳаммаси нодон. Ҳозирги аҳволларидан мамнун, эркинлик ҳақидаги гапни эшитишни ҳам исташмайди. Виз ҳеч қачон бир ёқадан бош чиқаролмаймиз, ҳеч қачон! Вой-вой-вой... Бутун умрим эркинликни кўрмай, қўл-оёғим занжирланган ҳолда ўлиб кетаман шекилли.

— Ўзингни бос, кўшнижон, — ёнма-ён пуштада ўсган пиёзлар уни тинчлантирмоқчи бўлишибди. — Агар сенга ўхшаб қуёшда тобланиб ётиш насиб бўлганда, биз ўзимизни бахтли ҳисоблардик. Нима ҳам қила олардик, ер остида яшаш нешонамизга ёзилган экан. Тақдирдан қочиб бўлармиди...

— Сизни қаранг-у! — уларни назар-писанд қилмай жавоб берибди Йиглоқи. — Ҳидингизга чидолмай, ҳамма бурнини беркитади-ю, ўзингизни менга тенглаштирмоқчи бўлдингизми. Кейин, сиз боғлаб қўйилмагансиз, эркинсиз. «Тани бошқа дард билмас», деб шуни айтишаркан-да.

— Ҳаёт шундай экан. Ҳамма нарса нимагадир боғлаб қўйилган, — дейишибди бошқа пуштадаги помидорлар унга. — Мана бизни кўр. Хўш,

биз қозикқа боғлаб қўйилмабмизми? Ёки қалампирга қара. Қип-қизил, ажойиб ҳидли қалампир. У ҳам маҳкам қилиб хивичларга боғлаб қўйилган. Сендан нарироқда қулупнай ўсяпти. Унинг ширин меваларини болалар ҳам, кексалар ҳам яхши кўришади. Ундан ҳеч ким юз ўгирмайди. Аммо қулупнай мевалари ҳам ўз танасига боғлаб қўйилган. Қисқаси, ҳамма ўсимликлар бирор нарсага боғланган, лекин бирортаси ҳам сенга ўхшаб гингшимаиди.

— Бодринг эмас-да, улар! — деб жавоб қилибди Йиглоқи. — Кейин, улар ерда судралиб юришмайди. Мен бўлсам, фақат боглиққина эмасман, яна судралиб юришим ҳам керак! Шу ҳам адолатми? Вой-вой-вой...

— Оғзингга қалампир тўлгир, намуноча йиги-сиги қилаверади! — аччиқланибди ёнгинасидаги пуштада ўсаётган турп. — Оҳ-воҳ қилавериб ўзини саргайтиргани, букчайтириб қўйгани етмагандек, бошқаларни ҳам жонидан безор қилди-ку бу. Аҳволимга бир қаранг: бунинг кўзёшларидан баргларим тешилиб кетди. Овозини ўчириш учун бирор чора кўрмасак бўлмайди.

— Рост, бирор чора кўриш керак, — сабзавотлар бу фикрга қўшилишибди. — Бўлмаса, бу аҳволда кузга етиб боролмаймиз.

Кунлардан бир кун бодринг одатдагидай бахти қоралигини айтиб гингшиб, бошқа сабзавотлар эса қулоқларини маҳкам бекитиб олиб, унга бирор чора тополмай ўтиришган экан. Шу вақт

уларнинг олдидан сичқон югуриб ўтибди. У бу полизга яқинда кўчиб келган экан.

— Бугун ҳар кунгидан ҳам бадтарроқ нолияпсанми? — дебди сичқон бодрингга. — Бошингга яна қандай кулфат тушди? Мен барча хўрланганлар ва таҳқирланганлар дўстиман, ҳаммага ёрдам беришга тайёрман.

— Бошимга тушган кулфатни ҳамма билади, яна нимасини айтай, — жавоб қилибди бодринг сичқоннинг сўзларидан тетикланиб. — Бекамиз ҳозиргиин бизнинг нуштамизга келиб бодринг узиб кетди. Шу сафар мени узса кўрак деб уйловдим, лекин, мана, ўзинг ҳам кўриб турибсан, қўлини ҳам теккизгани йўқ. Бу занжирдан озод бўлишимга зигирдай умидим қолмади энди. Вой-вой-вой... Қачонгача мени ерга уришади?

— Тинчлан, жонгинам бодринг. Ахир сенга ёрдам бермоқчиман-ку, — дебди сичқон.

— Ёрдам дедингми? Менга ёрдам берасанми? — ҳайрон бўлибди бодринг. — Ўзинг урвоқдеккина нарсасан-у, қўлингдан нима иш келарди?

— Полизимиз хўжайини ҳам шундай деб ўйларди. «Оббо, сичқон дегани нима бўпти! — дерди у. — Шулар ҳам махлуқми? Битта мушукни қўйиб юборсам, кўз юмиб-очгунча ҳаммасини тутиб саранжомлайди!» Нима бўлди дегин? Кечаси мушук печканинг ёнида кулча бўлиб ухлаб ётганда, даҳлиздаги полдан тешик оча бошладим. «Биз — сичқонлар, хўжайин ва

унинг мушугидан қўрқмаслигимизни кўрсатиб қўйишimiz керак», — деб ўйладим. Шўрпешона бодринггинам, охири нима бўлди дейсанми? Бир кун кечаси полни тешиб бўлдим. Омбордаги донлар полнинг тагига қўйилиб туша бошлади. Кўрдингми, кичкина деманг бизни, деб шуни айтишади-да! — гапини тугатибди сичқон мошдай кўзларини йилтиллади.

«Қаллоб-ку бу, — деб ўйлабди бодринг. — Мендек бамаъни сабзавотнинг у билан ошна бўлиши одобдан эмас, лекин иложи қанча».

— Ундоқ бўлса... Ундоқ бўлса... — пичирлабди бодринг қаттиқ ҳаяжонга тушиб. — Ундоқ бўлса, менинг поямни ҳам гажишинг мумкин...

— Мен ҳам худди шуни таклиф қилмоқчийдим, — дебди сичқон ва ишга тушиб кетибди.

Сичқон бу ишни қойилмақом қилиб уддалаганини айтиб ўтирмайлик.

Бодринг энди озод эканлигини сезиб, хурсанд бўлганидан ақлдан озай дебди.

— Мен эркинман! Мен эркинман! Ҳавасингиз келсин менга, мен эркинман! Мана энди чинакам ҳаёт бошланади! — деб қичқираркан бодринг. Кейин у пуштадан юмалаб бориб девор дарзидан ҳовлига ўтибди. — Ура! Ура! Ура!

Бошқа сабзавотлар ҳам «Ура» деб қичқиршибди. Улар Йиглоқи бодрингдан қутқаргани учун ишбилармон сичқонга миннатдорлик изҳор қилиб қичқиринаркан. Сичқон ҳам яхши иш

қилганидан хурсанд экан. Ахир сичқонларга бу-
иақа савоб иш қилиш ҳар доим ҳам насиб бўла-
вермайди-да. Ўзингиз ўйлаб кўринг: шу чоққача
бирор киши сичқонга «рахмат» деганми?

— Шу холосми?

— Йўқ, қўзичоғим, биз бодринг «ура!» деб
ховлига девор дарзидан чиққан жойга келгандик.

— Бу нодон нима қилмоқчи ўзи! — ҳайрон
бўлибди кекса хўроз.

— Худди буғдойга ўхшаган сариқ экан. Бал-
ки шириндир, — дебди ёшгина товук.

— Кел, татиб кўрамиз, — деб таклиф қилиб-
ди кекса хўроз.

Икковлари югуриб бодринг олдига келишиб-
ди. Бошқа товуклар ҳам улар кетидан чонишиб-
ди. Бодрингни ўраб олиб чўқий бошлашибди.
Аммо Йиглоқи доимо ғиншийверганидан аччиқ
бўлиб қолган экан, шунинг учун бир марта татиб
кўрган товук иккинчи марта чўқимабди.

Ғалвирга ўхшаб илма-тешик бўлиб кетган
бодринг девор тагида ётар ва кузнинг кўм-кўк
осмонига қараганича ғингшиб йиғларкан:

— Вой-вой-вой... Қандай бахти қораман...
Тезроқ мени еб тугатиша қолсин, бошқа нарса
керакмас менга. Лекин ким ейди мени? Вой-вой-
вой...



АЙИҚНИНГ ҮЧ ОЛМОҚЧИ БҮЛГАНИ

Бир вақтлар олмахон билан айиқ қалин дўст бўлишган экан. Аммо кунлардан бир кун арзи-маган нарса туфайли уришиб қолишибди.

Олмахон айиқ дўсти ёввойи асалари уясидан асал олаётганини кўриб қолибди. У дўстини уялтирмоқчи бўлибди:

— Бечора асалариларга озор бергани уялмай-санми, маймоқ айиқполвон. Ўрмонда ундан бошқа ширинроқ нарса қуриб кетибдими?

— Бошқаларнинг ишига бурнингни тик-ма!— деб унинг гапини чўрт бўлибди айиқ. Зиқналик қилиб, уянгни ёнгоққа тўлдириб ётибсан деб таъна қилмаяпман-ку!

— Сенга ўхшаб баҳоргача уямда хуррак отиб ётганимда овқат гамлаб ўтирмасдим.

— Жим бўл, думи узун, ақли калта махлуқ! — дебди айиқ. — Сенга ёнгоқ ёқади, менга эса асал. Қисқаси, бир-биримизнинг ишимизга тумшугимизни тикмайлик.

— Сен туфайли заҳматкаш асаларилар ҳалок бўляпти-ю, нега энди аралашмас эканман? — аччиқланиб жавоб берибди олмахон. — Йўқ, маймоққинам, мен тирик эканман, ўз қадрдонимнинг номуносиб иш қилишига йўл қўймайман.

— Мен бўлсам, ҳар қанақа эси пастнинг ишимга аралашувига йўл қўймайман! — дебди айиқнинг аччиғи келиб. — Анави катта аргувон дарахтини кўряпсанми? Ўшандаги асаларилар роса асал йигишган. Вақт топиб, ўша уядаги асални паққос тушираман, сенга ҳам олиб келаман. Ширин асал ўзингга ҳам маъқул бўлади, кўрасан ҳали!..

Шундай деб айиқ кулиб қўйибди-да, йўлига равона бўлибди. Олмаҳон бўлса вақтни ганимат билиб, шохдан-шоҳга сакраб, ўша аргувон дарахтига уя қурган асаларилар олдига келибди-да, айиқ уларнинг уйини бузмоқчи эканини айтиб, огоҳлантирибди.

Асаларилар меҳрибон олмахонга миннатдорлик билдиришибди, сўнг янги уя топиб келиш учун ўз разведкачиларини турли томонга юборишибди. Янги уя топилгач, асалларни ўша жойга қўчира бошлашибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, айиқ катта арғувон дарахтига чиқиб, асаларилар уясида ҳеч вақо йўқлигини кўрибди. Бу кимнинг иши эканлигини фаҳмлагани айиқ олмахондан жаҳли чиқибди ва:

— Шошмай тур ҳали! Мени асалсиз қолдирдингми, мен сени ёнғоқсиз қолдирганим бўлсин. Яқинда куз келади. Кетидан қиличини ялангочлаб қиш киради. Мен-ку, ўз уямда ухлаб, баҳорга чиқиб оламан. Сен-чи? Ёнғоқларсиз қандай кунларга тушаркансан — кўрамиз! — деб кўнглига тугиб қўйибди айиқ.

Олмагон йўқ пайтини пойлаб, айиқ қарагай теиасига чиқибди. У олмахон уясига олдинги оёгини тикиб, ҳамма ёнғоқларни олиб кетмоқчи бўлибди. Бироқ, олдинги оёги йўгон бўлгани учун уя тешигига сигмабди. Айиқ тирноқларини йигиб, олдинги оёгини уяга тикмоқчи бўлибди. Бари бир сигмабди. Яна бир бор уриниб, бармоқларини сиқиб мушт қилибди-да, олдинги оёгини уя тешигига тикибди. Кейин бир чангал ёнғоқ олибди, лекин олдинги оёгини на у ёққа, на бу ёққа жилдиролмабди. Айиқ олдинги оёгини чиқаролмай титраб-қақшаб туриб қолибди. Бечоранинг оёқ-қўллари толиб кетган, уя ичидагиси эса шундай огрир эканки, дод деб юборишга ҳам тайёр экан. Ўлганнинг устига тепаган дегандай, қаердандир ҳакка учиб келиб, бутун ўрмонни бошига кўтариб қичқира бошлабди:

— Ўғри қўлга тушди! Ўғри қўлга тушди!
Буни эшитган олмахон етиб келибди.
Қарагай атрофига ҳайвонлар йигилишибди, дарахтларнинг шоҳлари қушларга тўлиб кетибди.
Айиқ уялганидан ерга кириб кетишга тайёр экан.

— Нима бўлса пешонамдан кўрдим — ўзимни ташлайман дарахтдан! — дебди айиқ ўзига. У ўзини ерга ташлабди. Олдинги оёғи уядан ўқдек отилиб чиқибди. Териси шилинган, қорнидаги жунларга шох-шабба ёпишиб кетган экан.

Айиқ ўрнидан туриб, силкинибди-да, оғриқдан бўкирганича ўрмон ичкарасига кириб кетибди.



БЕВОШ АЙИҚЧА

— Сен яхши боласан... Ойингнинг гапини қайтармайсан, эрталаб ўзинг кийинасан, шўхлик қилмайсан. Шунинг учун сенга ўхшаган яхши болаларга аталган ажойиб эртагим бор — айтиб бераман. Нега сарак-сарак қиласан?

— Шундоқ... Ўзим...

— Бир кампирни кеча йўлдан ўтказиб қўйганингни ўз кўзим билан кўрдим. Раҳмат сенга! Буниг учун яна битта эртақ қарздорман. Нега қизариб кетдинг?

— Мен? Йўг-е...

— Тўхта-тўхта, тузукроқ қарай-чи сенга. Оббо, роса адаштирибман-ку! Сен у бола эмас

экансан!.. Энди эсимга тушди. Сен кеча оқсоқ чолни масхара қилган, ўтган ҳафтада эса мушукнинг думига шар боғлаган бевош болага жуда-жуда ўхшаб кетяисан...

— Ўша мушук уй ичида... анақа қилиб юбрувди-да...

— Майли, тортишиб ўтиришдан нима фойда? Хафа бўлма, сен ҳам эртаксиз қолмайсан. Фақат энди эртақ бошқачароқ бўлади. Оёгингни қимирлатаверма, жим ўтириб, қулоқ сол.

Унча узоқ бўлмаган замонда, ўзимизнинг ўрмоида Маймоқойим деган айиқ яккаю ёлғиз ўгли Пахмоқвой билан яшаркан. Пахмоқвой жуда чиройли бола бўлса-да, лекин ўлгудай бевош экан. Маймоқойим уни жазоларкан ҳам, яхши гапириб шўхлик қилмасликни сўраркан, аммо буларни ҳаммаси гўё опаси деворга гапиргандай, Пахмоқвойга таъсир этмас экан.

— Пахмоқвой, ўгилгинам, — эркалатиб дебди онаси. — Яхши болаларга ўхшаб ўрпингни йигиштириб қўй.

— Нима?! Бир бочка асал берсанг ҳам қилмайман! Бунақа зерикарли иш сенга ёқса, ўзинг қилавер.

Кейин қулоқсиз, одобсиз айиқча ўрмонга чопиб кетибди.

Кеч кирганда уйга тимдаланган, пахмайган, чарчаган ҳолда қайтиб келибди. Ойисининг таъналарига қулоқ ҳам солмай, ўринга таппа ташлаб, уйқуга кетибди.

Эртасига эса қўни-қўшнилар ундан арз қилиб келишибди.

Тулқи. Маймоқойим, эркатойинг кеча қилган ишларидан хабаринг борми? Болаларимни шундай қўрқитибдики, бечоралар ҳалигача даг-даг титрашади.

Бўри кампир. Менинг эса думимни тишласа бўладими? Ёшлар кексаларга ҳурматсизлик қилишганини кўрганмисизлар ҳеч жаҳонда? Бундай одобсизликни ҳеч ҳам кечириб бўлмайди.

Тўнғиз. Бола эмас, бало бўлди бу! Шумтаканг синдирган ошхона деразасини яқиндагина янгилаб қўйгандик, кеча яна чил-чил қилиб кетди бу ярамас!!!

Айиқ нима қилишини билмай, қўшниларни тинчитибди, ўгли етказган зарарларни тўлабди, кейин ҳамманинг олдида Пахмоқвойни дўппослабди.

Эртасига яна ўша гап: Пахмоқвойнинг янги шўхликлари-ю, қўшнилар шикоят, келтирилган зарарларни тўлаш қайталанибди.

Кексайинб қолган айиқ жуда ҳолдан тойибди, бунинг устига камбағаллашиб кетибди, ёлғиз ўглидан кўнгли қолибди. Кейин уясини ташлаб боши оққан томонларга кетишга аҳд қилибди.

Бир куни эрталаб Пахмоқвой онасини хафа қилиб ўрмонга кетгач, Маймоқойим уясидан чиқиб жўнаб қолибди.

Пахмоқвой кечгача кўнглига сиққан шумликни қилиб, одатдагидай яна кеч кирганда қай-

тибди ва уйда ойисининг бор-йўқлигига эътибор ҳам бермай, ўзини каравотга ташлабди.

Эрталаб шикоят қилгани яна қўшнилар келишибди, лекин энди уларнинг гапига қулоқ соладиган, зарарларни тўлайдиган ҳеч ким йўқ экан.

Пахмоқвой жуда хурсанд бўлибди — ана энди маза қилиб яшайди! Энди ҳеч ким унинг мушугини пишт демайди, сўкмайди, иш буюрмайди!..

Шунинг учун айиқча ўша куни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бебошлик қилибди.

Эрталаб яна шикоят қилгани қўшнилар келишибди, лекин бу сафар ҳам уйда уларнинг гапига қулоқ соладиган ҳеч ким топилмабди.

Индамай қайтиб кетишдан фойда йўқлигини билишгач, ҳаммалари бир бўлиб айиқчани шундай дўшпослашибдики, у уч кунгача ўрнидан туролмай ётиб қолибди. Оч, дармонсиз, чанқоқликдан лаблари ёрилиб кетган айиқча ўрнидан тургач, сув ичиш ё овқат ейишни эмас, ойисини кўришни истабди.

Эҳ, қимматли болагина, у меҳрибон ойисини қандай соғинганини билсанг эди! Энди ин унга гамхона бўлиб кўринар, йиглаганича онасининг кириб келишини интизорлик билан кутаркан. Аммо ҳаммаёқ тинч, шундай тинч экан-ки, ҳатто қулоқларининг зингиллаганини ҳам сезибди. Атрофда ҳеч ким йўқ, гўё бу ерда бирор жонзот яшамаётгандай экан. Айиқча бир куни касал

бўлиб қолганида ойиси унга қаңдай меҳрибонлик қилганини, ажойиб эртақлар айтиб берганини эслабди. Ушанда эртақлар доридан ҳам яхшироқ шифо берган экан. Кимдир унинг бошига илиқ қўлини қўйгандай бўлибди. Лекин бу хаёл экан... Қўл ҳам йўқ, ойиси ҳам йўқ, энди ҳеч ким унинг бошини силамас, эртақ айтиб бермас экан. Бўш, совуқ уя, ғижим ўриндан бўлак ҳеч нарса йўқ экан.

Шўрлик айиқча зорланиб йиглабди.

— Қаердасан, ойижон, қаердасан? — қўллари билан оғриётган бошини чангаллаганича ҳўнграркан у. — Уйга, бечора Пахмоққинанг олдига қайтиб кел! Мен энди одобли, гапга кирадиган айиқча бўламан, ҳамма айтганларингни қиламан.

Лекин унга ҳеч ким жавоб қилмабди.

Шундан кейин айиқча яраларини ялаб тузатибди-да, онасини қидириб чиқиб кетибди.

— Албатта топаман сени, ойижонгинам! Дунёдаги ҳамма ўрмонларни айланиб чиқаман, барча тоғларга кўтариламан, бари бир, ҳувиллаб қолган уямизга сени олиб келаман...

Айиқча кўзлари тўла ёш, ҳеч нарсани кўрмай, дарахтларга урилиб, илдизларга қоқилиб ўрмонда юрибди... Ниҳоят, катта-катта ҳайвонларни тутиш учун қонқон қўйилган жойга етиб келибди.

Умрида жуда кўп нарсаларни кўрган бўри кампир биринчи бўлиб қопқонни сезиб қолган.

шунинг учун бошқаларни огоҳлантириш нияти-да яқин атрофда айланиб юрган экан.

— Ҳой, менга қара! — қичқирибди у Пахмоқвойга. — Тўхта! Ўрнингдан қимирлама!

Айиқча бошини кўтариб, ўзини бошқалар билан биргалашиб дўппослаган бўрини кўрибди.

— Э-ҳа, бу сенмисан, кампиршо, — дебди у еган калтакларини эслаб. — Яхшиликча туёгингни шиқиллат, бўлмаса, думингни эмас, бошингни ҳам узволаман.

— Манови аҳмоқни қаранг-а! Унга яхшилик қилмоқчи бўлсанг, сени ҳақоратлайди-я! — деб хафа бўлибди бўри. — На чора, майли, юрсанг юравер, ҳолинг не кечаркин — кўрамир.

Айиқча бўрига тилини кўрсатиб, масхара қилибди-да, йўлида давом этибди. У уч қадам юриб ҳам улгурмабди, шарақ этган қопқон унипг ўнг оёғини маҳкам қисиб қолибди. Огриққа чидолмаган айиқча гайритабиий овоз билан додлаб юборибди. Тамом, энди қочиб қутулолмайди: ҳозир овчи келадн-ю, унинг терисини шилади.

— Тернсини шилибдими бечоранинг?

— Шошмай тур, болагинам, ҳали эртагим тугамадн. Шундай қилиб десанг, бизнинг бебош айиқча қопқонга тушиб қолибди. Аммо у ўлгудай шўх бўлса-да, анча жасур экан. Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрдалингини кўриб, шундай бир қарорга келибди... Болагинам, сен ҳам, мен ҳам ҳеч қачон бундай қилолмаган бўлардик. Бояги

бўри унга раҳм қилиб шундай маслаҳат берибди... Қутулиб кетмоқчи бўлсанг, ўз оёгингни гажиб ташлашинг керак, дебди! Айиқча шундай қилибди. Овчи қонқонни текширгани келиб, Пахмоқвойнинг қирқилиб қолган оёгини кўрибди, холос.

— Айиқча онасини топибдим?

— Ким билади, болагинам. Одамлар уч оёқли бир айиқни кўришганини айтиб юришади. Балки бу ўша айиқчадир? Албатта у ҳозир катта бўлиб қолгандир. Лекин, бари бир, ҳалигача онасини қидириб юради. Нега хўрсинягсан, болагинам?

— Мен энди яхши бола бўламан... Иккинчи эртани ҳам айтиб беринг.

— Унисини яхши болаларга айтиб бераман.

— Ахир яхши бола бўламан деяман-ку!

— Ана ўшанда айтиб бераман.



СЕҲРЛИ ЁСТИҚ ВА ҚАДОҚ ҚЎЛЛАР

Ўтган замонда Танбал исмли бир киши яшаган экан. Эртадан-кечгача қўлини совуқ сувга урмас, хаёл суриб ётгани-ётган, ҳамма ишни эртага қолдираверар экан, шунинг учун ҳам уни Танбал деб аташар экан-да.

— Хотинжон, менга қара, ҳозир миямга бир фикр келиб қолди, — дебди бир куни у хотинига. — Қачонгача мана шу хароба уйда яшаймиз, янгисини қурсакмикан дейман...

— Шундай қилиб десанг, энди уйимиз ҳам тайёр, — дебди у эртасига хотинига, орзу қилган нарсаси амалга ошган деб хаёл қилиб. — Қара, деразалари кенг, томи шиферланган, ойнаванд айвони ҳам бор. Ялло қилиб яшайверасан! Энди

бог қилиш керак. Қўшнилари мизникидақа эмас, ка-ат-такон бог бўлади.

— Йўқ иарсани гапираверманг, — деб жаҳл қилибди хотини. — Яхшиси, мундоқ ўрнингиздан туриб, ҳайвонларга қарасангиз-чи.

— Эртага, хотин, эртага, ҳайвонларинг қочиб кетмас. Ҳозир боққа кўчат ўтказиш керак.

— Гугурт тамом бўпти. Қўшнилардан олиб чиқсангиз-чи, — дебди бир сафар хотини.

— Менга халақит берма, ахир бог қилияпман. Эртага чиқарман. Гугуртга ўт кетмас! — дебди эснаб Танбал.

— Майли, эртага бўлса, эртагача овқатланмай ётаверинг, — дебди хотини.

— Йўқ, нега энди? Овқат бугун бўлиши керак. Бўладиган нарсанинг бўлгани яхши.

Бурнидан чиққунча овқат еб олгач, Танбал яна кўрпага чўзилибди.

— Бунақа эр хотиннинг шўри, — деб жаврай бошлабди хотини. — Ҳайвонларнинг жони узилай-узилай деб турибди, уй ана йиқиламан-мана йиқиламан деб турган бўлса-ю, бу одам ётаверса. Йўқ, жонимдан тўйдим, энди бошим оққан ёққа кетаман. Бу одам очидан ўлиб кетмайдими.

Шундай деб хотин чиқиб кетибди.

Танбал бир кун ётибди, икки кун ётибди. Унга энди ҳеч ким ҳайвонларга қара, қўшнилардан гугурт олиб кел, демабди. Уй тайёр, бог ҳам тайёр. Бошқа хотин топиб, давра давра сураверса бўларкан. Яна нима керак унга. Фақат битта

чатоги бор экан: уйда овқат деган парса умуман йўқ экан. Қорин бўлса сурнай чалгани чалган экан. Иш чатоқ. Наҳотки, очликдан ўлиб кетса?

«Ухлатадиган ажойиб ўт бор деб эшитгандим, — деб ўйлабди Танбал. — Ёстигинг тагига бир дастасини қўйиб ётсанг, кечаси ҳам, кундузи ҳам гам-ташвишсиз ухлаганинг ухлаган экан. Ейиш-ичиш ҳаёлингга ҳам келмас эмиш. Ўрнимдан туришга тобу тоқатим йўқ, лекин илож қанча: уйқу ўтни топиш керак».

Шундай деб у уйдан чиқиб кетибди.

Дангаса эмасми, унча узоққа боролмабди! Танбал қараса, йўлда ичига хашак тиқилган ола-була ёстик ётган эмиш.

— Балки бу уйқу ўтдир? — хурсанд бўлиб кетибди Танбал ва ёстикдан сўрабди: — Эҳтиётдан, сен менга керакли нарса эмасмисан?

— Йўқ, лекин мен унинг қариндоши бўлман, — деб жавоб берибди ёстик. — Кўп ташвиш тортма, мен ҳам уйқу ўт сингари ёрдам бера олишим мумкин. Овқат емоқчи бўлсанг, менга айтавер, кўнглинг тилаган ҳамма нарсани мухайё қиламан. Лекин бир гапни айтиб қўй: эски ёстигингни ташлайсан, бошингга фақат мени қўйиб ётасан. Яна бундан кейин ҳеч қачон «эртага» деган сўзни ишлатмайсан. Эсингда тут: шу шартларни бажармасанг, мен сенга ёрдам беролмайман.

— Ростдан ҳам ажойиб нарса экансан-ку! — деб хурсанд бўлибди Танбал.

Ёстикни қўлтиқлаганича уйга жўнабди.

— Тезда овқат келтирилсин! — остонадан кпирибоқ буйруқ қилнбди у.

Стол устида анвои хил овқатлар пайдо бўлибди.

Танбал бурнидан чиққунча овқат еб олгач, роҳатланиб қорнига шаииллатиб қўйибди-да, мизгиб олиш учун кўрпага чўзилибди. Иши ўнгидан келиб, уйқу ўтнинг қариндошини топиб олганини қаранг. Бундан буён Танбал ялло қилиб яшайверса бўлади.

Эрталаб уйғониши биланоқ кимдир унинг елкасига туртиб шивирлабди:

— Тур, тура қол, Танбал. Қуёш чиқишига оз қолди.

Бу қанақа гап? Нима бало, ё хотини қайтиб келганмикан?

У атрофга аланглабди. Ҳеч ким йўқ, фақат бошидаги ёстик қимирлармиш. Қимирлармиш-у, аввалгидан қаттиқроқ шивирлармиш:

— Кимга айтяпман? Деворгами ё сенгами? Ҳайвонлар оч қолиб, ўз думларини еб қўйишга ди-ку. Қани, каравотдан тезроқ туш!!!

— Намунча менга ёпишиб олмасанг? — деб аччиқланибди Танбал. — Ҳатто хотиним ҳам мени каллайи саҳарлаб уйготолмаган!

У орқасига ўгирилиб, яна хуррак ота бошлабди. Лекин ҳали туш кўриб улгурмасданоқ у ўзини полда кўрибди. Ёстик уни каравотдан итқитиб юборган экан-да.

Танбал ич-ичидан хафа бўлибди ва энди нима қилсам экан, деб ўйлаб қолибди. Хотини шундай қилганда-ку, терисига сомон тикқан бўларди, ёстиққа нима ҳам дерди?

— Ҳай, майли, бу сафарча айтганингни қиламан, — дебди ўзича. — Кейин бир гап бўлар.

У молхонага йўл олибди. Жониворлар очликдан зўрга оёқда туришар экан. Улар ҳар хил овоз билан маъраб, очликдан шундай зорланишибдики, ҳатто Танбалнинг ҳам кўзларига ёш келибди.

Танбал ҳайвонларни тўйдирибди-да, яна ўзини каравотга ташлабди. Бироқ, у ҳали бошини қўйиб улгурмасданоқ, ёстиқ карга гапиргандай бақира бошлабди:

— Йўқ, йўқ, ошнагинам, куппа-кундуз кунни ағанаб ётилмайди. Ўрмондан ёғоч олиб келишинг керак. Ўзинг кўриб турибсан-ку, янги уй қуриш зарур.

— Роса бошимга бало бўлдинг-ку, шайтон, — деб эътироз билдирибди Танбал. — Ўрмон қочиб кетармиди? Борарман... — у эртага деб юборишдан қўрқиб дарҳол гандан тўхтабди.

У бошқа ёнига ўгирилиб, энди хуррак ота бошлаган ҳам экан-ки, ёстиқ унинг бошига қаттиқ мушт туширибди. Ҳатто Танбалнинг кўзларидан ўт чақнаб кетибди.

Танбал росмана газабланибди.

— Қонуний хотиним ҳам мени бунақа муштламаган эди, энди бўлса аллақандай йўлда ёт-

ган ёстиқ... — йиглаб юборай деб қичқирибди у. — Қазноққа иргитиб юбораман бу дардисарни, ўзимнинг олдинги ёстиғим яхши экан.

Шундай қилган ҳам бўларкан-у, лекин ёстиқ айтган шартлар эсига тушиб қолибди.

У алам билан хўрсинибди, кейин сўкинганича ҳовлига чиқиб, отни аравага қўшибди.

Кечқурун ўрмондан ҳориб-чарчаб қайтиб келибди, лекин кайфияти чоғ экан. Энди тўйиб ухлаб олади! Қайда дейсиз! Каравотга чўзилиб улгурмасиданоқ яна ёстиқ гап бошлабди:

— Ҳали дам олишга эрта, Танбал. Хайвонларга хашак сол, сигирни соғ, эрталикка ўтин тайёрлаб қўй. Ахир эртага ҳам ёғоч кесгани ўрмонга боришинг керак.

Ёстиқ билан тортишиб ўтиришдан фойда йўқлигини билган Танбал гудурлаганича кечки ишларни бажаришга чиқиб кетибди.

Эртасига ҳам худди шундай бўлибди. Ҳолдан тойибди, озиб кетибди. Авваллари қийин бўлибди-ю, кейинчалик осонлашгандек бўлибди. Озоддан ишга ўрганиб, ҳатто ёстиқ билан тортишмайдиган ҳам бўлибди.

Бир йил ўтибди. Танбал қараб туриб, кўзларига ишонмасмиш: эски каталак ўрнида янги дангиллама иморат, ёнида яшнаб турган бог. Ҳаммаси ўзи орзу қилгандай эмиш. Яна буларнинг ҳаммасини ўз қўли билан қилганини айтмайсизми! Олдинлари бошқалар ишлаб топган нонни ушлашдан бўлакка ярамаган ўша қўл-

лар билан бажарган. Ахир бу мўъжиза эмасми?

Танбал хурсандликдан ҳатто кўзига ёш ҳам олибди. Умри бино бўлиб бундай роҳатланмаган экан.

Якшанба бўлишига қарамай, яна қуёшдан олдин уйгонган экан, шунинг учун бир оз ётиб мизғигиси келибди.

Шунда ҳайратланибди: энди ёстиқ уни тур деб қистамас, каравотдан туш, ишга бор, демас, аксинча, унинг юзларини силаб, эркалатиб:

— Ухла, ухлайвер, энди дам олишга ҳаққинг бор, — деркан.

— Тўгри, иш қилиб чарчаганингдан кейин, ухлаб дам олишнинг бошқача гашти бўлади, — дебди Танбал. — Фақат биласанми, ёлғиз жуда зерикиб кетяпман.

Ёстиқ айёрлик билан кулиб шивирлабди:

— Хотин топ. Янгисини эмас, ўзингникини қидириб топ. У яхши эрга яхши хотин бўлади.

— Балки сен ҳақиқатни айтаётгандирсан, — уйқуга кета туриб пичирлабди у. — Лекин бугун жуда чарчаганман. Эртага излайман уни.

Кейин уйқуга кетибди. Уйғониб қараса, каравоти устида ёстиқ йўқ эмиш. Аввалига энди нима қиламан, деб қўрқиб кетибди. Бироқ, ташқарига чиқиб, янги ҳовлисини кўрибди, семириб кетган жониворларга ем солибди, лик тўла омборларни айланиб чиқибди. Қадокли қўлларига қараб, хурсандликдан кулиб юборибди. Меҳнаткаш қўллари турганда, унга сеҳрли ёстиқнинг нима кераги бор?!



КЕККАЙГАН НҲХАТ

Бир деҳқон хашак етиштириш учун йўл ёқасидаги далага турли-туман уруғларни аралаштириб эймоқчи бўлибди.

— Униб чиқиб ўсамиз, униб чиқиб ўсамиз, — ҳайдалган шудгорга тушаётган сули уруғлари хурсандликдан қичқира бошлашибди.

— Биз ҳам сиздан қолмаймиз, биз ҳам сиздан қолмаймиз, — ариа уруғлари ҳам уларга жўр бўлишибди.


— Қиламиз ўзаро ёрдам, — деб жавоб қилишибди жўхори уруғлари.

— Бонлаймиз буни биз ҳам, — қўшиб қўйишибди нўхатлар.

Нўхатлардан биттаси ўзининг бошқалардан каттароқ эканлигини билар, шунинг учун кеккайиб юраркан. У секингина деҳқоннинг панжалари орасидан сирғалиб йўлга тушибди ва ўзига-ўзи:

— Нўхат синғилларим топган улфатларни қаранг-а... Жўхорилар — ўлгудай шўрпешона, доим бошларини эгиб юришади, сули эса отларга ёқади холос, арпа-чи... Э, арпа ҳақида гапирмаса ҳам бўлади!.. Арпа ҳосилини йигиб олиб қури-тишади, кейин пиво қилишади, чиқиндиларини бўлса чўчқаларга беришади. Ўзим якка-ёлғиз ўсганим яхшимасми? — дебди.

Йўл устида битта қарға гўнг титиб, дон қидириб юрган экан. У нўхатни кўриб қолибди ва шу заҳоти бир чўқиб ютиб юборибди.



ОҚСОҚ БЎЛИБ ҚОЛГАН ШЕРЖОН

Кунлардан бир кун кўшнимизнинг ўгли Аль-гюкас омборга сичқон учун қопқон қўйибди.

Териси йўл-йўл бўлгани учун Шержон деб ном қўйилган мушукча қопқондаги ёғ ҳидини сезиб қолибди-да, онаси мушукка:

— Уй бекаси ҳамма идишларнинг огзини беркитиб юради. Гўшт билан колбасани шипга осиб қўйган — бўйим етмайди. Яхшиси, апави ёғни олиб ейман!.. — дебди.

— Хай-хай, асло ундай қила кўрма! — бақирибди ўғлига Миёвхон. — Ёғни сичқонга қўйишган, унга тегсанг, шўринг қурийди.

Лекин Шержон жуда қайсар мушукча экан.

— Сичқонларнинг нимаси ортиқ экан менадан? — дебди у онасига. — Йўқ! Мен ейман бу ёғни, кейин сичқонларга Альгюкас яна ёғ қўяди, унисини ҳам ейман. Мана шундай қилиб, ҳамма ёғни еб битираман, ўшанда гўнит билан колбасани бўй етмайдиган шипга илиб қўйиш қанақа бўлишини билиб қўяди бека.

— Болагинам, онангнинг гапига қулоқ солсанг бўларди, — ялиниб миёвлабди Миёвхон, аммо Шержон узок ўйлаб ўтирмай, тирноқларини чиқариб, ёгга қўл чўзибди.

Қопқон шарақ этиб унинг қўлига урилибди ва бармоқларини тирноғи билан бирга қўшиб кесиб юборибди.



ҚАЙСАР КАСТИТЕ

Кастите исмли қиз бизга қўшни эди. Қалин сочларига ҳаворанг лента боғланган, оёғида тумшуги учли туфли. Кастите қайсарлик қилавермасин деб қизчанинг ота-онаси унга янги гулли кўйлак ва ажойиб туфли олиб беришганди.

Кичкина қўшнимиз Кастите бирам чиройли бўлиб кетдики, асти қўяверасиз! Ҳамма уни дала гулидай суяр, эркалатарди. Кастите бўлса аввалгидан бадтарроқ гердаядиган, ота-онасининг гапига кирмайдиган бўлиб қолди.

— Уйни супириб қўй, Кастите, — деб илтимос қилибди ойиси...

— Аввал дарсингни тайёрла, қизалогим, —

дебди отаси, — кейин ўйнарсан ўртоқларинг билан...

— Кастите, — одоб ўргатмоқчи бўлибди опаси. — Туфлини артмай қўйиш яхши эмас. Сен энди катта қиз бўлиб қолдинг. Ҳадеб қийнайверма ойимни.

Кастите хонани супиришга, дарс тайёрлашга, туфлисини артиб қўйишга ваъда берибди, лекин катталар нари кетишлари билан лип этиб ўзини кўчага отибди ва ҳалқоб сувларни кечиб, қўшиқ айтибди:

Исқирт туфли, туфлижоп.
Бурнинг пучук ҳар қачон.
Ўйни супирсин ойим,
Дарс қилсин дадам доим.
Мен улардан куламан
Не хоҳласам, қиламан!

Каститенинг қайсарлигидан ойиси, дадаси ва опаси қаттиқ хафа бўлишибди, туфли эса бу қулоқсиз қизнинг таъзирини беришга қарор қилибди. «Бу исқирт қиз бизни қандай ҳолга солиб қўйганини ўйлаб юракларимиз эзилиб кетади, — дейишаркан ҳар иккала туфли нойи бир-бирига. — Ахир қандай чиройли туфли эдик-а! Сотувчи кам деганда икки йил кийиш мумкин деганди. Ҳолбуки, магазиндан бу ерга келганимизга ярим йил бўлар-бўлмас одам танимайдиган даражага тушиб қолдик. Пошналар ейилган, таг чармлар тешилган, терилар бужмайиб кетган. Агар Каститенинг опаси баъзи-баъзида бизни ёглаб турмаганда, аллақачон

адои тамом бўлардик. Йўқ, бунга ортиқ чидаб бўлмайди!»

Кунларнинг бирида Кастите пионер сборнга борадиган бўлиб қолибди. Ойиси сочини тараб, чиройли қилиб ўрибди, қизил лента тақиб қўйибди, опаси туфлисини тозалаб берибди. Кастите ҳеч қачон ўзини бугунгидек бахтиёр ва чиройли ҳис этмаган экан. Рост-да, пионерликка қабул қилишади-ю, севинмай бўладими?

Туфли пойлар бир-бирларини туртиб қўйишибди ва Каститега:

— Биз мактабга боришни истамаймиз! — дейишибди.

— Ия, бу нимаси? — ҳайроп бўлибди Кастите.

— Дарё орқасидаги дарахтзорни кўрясанми? — сўрабди туфли. — У ерларда юмшоқ, хушбўй ўтлар ўсганини биласанми? Мен тошли сўқмоқдан кўра юмшоқ гиламга ўхшаган ўтзорлардан юришни яхшироқ деб биламан.

— Ўша дарахтзорни мен ҳам кўрганман, — деб жавоб қилибди Кастите. — Ёнғоқ териш учун ўзим ҳам жоп деб борардим-у, лекин бугун мактабда бўлишим керак. Пионер сафига ўтаман, қизил галстук тақиб юраман, кейин ҳаммага ўрناق ўқувчига айланаман!

— Галстугинг онанг учун қўшимча ташвиш бўларкан-да, ахир уни ўзинг юволмайсан-ку. — дебди чап ной туфли ва бошқа ёққа қараб олибди.

— Қуруқ гапинг нима кераги бор! — унинг сўзини бўлибди ўнг пой туфли.

Уларнинг ҳар иккови йўлга тушиб, кўприкдан ўтишибди-да, қўшиқ айтиб ўрмон томон юриб кетишибди:

Янграб ўрмон, титраб қуёи.
Бил кетдик, сен қол бу ёи.
Уйни супирсин ойнинг,
Дарс қилсин даданг доим.
Мактаб ёқмас биаларга,
Кетдик дала-қишларга!

Кастите йиглаб ҳам кўрибди, яхшиликча илтимос қилиб ҳам кўрибди, лекин туфли ашула айтганича, унга эътибор ҳам бермай кетаверибди. Дарахтзорга етиб боргандан сўнггина ашулани тўхтатибди.

Дарахтзор жуда ажойиб экан. Қуз баъзи дарахтлар баргини олтинрангга бўяган, яшил мох ҳам сал-нал саргая бошлаган экан. Атрофдан қўзиқоринларнинг ҳиди келар, гарчи яқин-орада бирорта ҳам олма дарахти кўринмаса-да, олманинг ёқимли иси сезиларкан. Ёнгоқ дарахтларида мевалар инга тизилгандай бўлиб турар, олмахонлар қишга ғамлаб олиш учун ёнгоқ ташир эканлар. Бу ерда тез-тез бўлиб турадиган Каститега дарахтзор шундай ёқибдики, ҳатто пионер сборини ҳам унутибди.

— Бугун бу ерга келганим қандай яхши бўлди! — дебди қувониб қизча. — Мана бу еб тўймас олмахонлар эртагача битта ҳам ёнгоқ қолдиришмаган бўларди. Мен ҳам этагимни

тўлдириб ёнғоқ териб оламан, этагимга сигмаса, қалноқчамни ҳам тўлдираман. Қишда ўртоқларимни меҳмон қиламан.

Кастите дарахтга яқин келиб, унинг шохини эгиш учун қўл чўзибди. Бироқ, шу вақт олдин келишиб олган туфли дарахтга кўзини қисиб қўйибди, шох бир оз юқори кўтарилибди, дарахт учидан эса зардали овоз эшитилибди:

— Сенга нима керак, қизча?

— Ёнғоқ термоқчиман, — деб жавоб берибди Кастите.

— Ҳа-ҳа-ҳа! — кулибди ёнғоқ дарахти. — Эртароқ қаерда эдинг? Ҳозир вақтим йўқ: шамол билан ўйнамоқчиман.

Шундай дебди-ю, дарахт барғларини шитирлатиб, шохларини яна ҳам юқорироқ кўтарибди ва қўшиқ айта бошлабди:

Мен устингдан куламан,
Хоҳлаганим қиламан!

— Билганингни қил! — аччиқланиб қичқирибди Кастите. — Шамол билан ўйнайман деб кўтарилганинг билан бари бир, бошинг булутга етармиди? Мана бу ерда ўрмончининг болалари қолдириб кетган нарвон турибди. Ҳозир унга чиқиб, керагича ёнғоқ териб оламан.

Туфли нарвон билан ҳам олдиндан келишиб олган экан. Унга кўзини қисибди. Эски ёғоч нарвон ўзини ухлаганга солиб ётаверибди.

— Ҳой, нарвонжон, ёнғоқ теришга ёрдам бе-

риб юбор, — ширинсўзлик билан илтимос қилибди Кастите.

— Ҳозир кимга керак бўлиб қолдим? — уйқусираб сўрабди нарвон.

— Ёнгоқ термоқчиман, — деб жавоб берибди Кастите. — Менга ёрдам беришинг керак.

— Тўғри, сенга ёрдам беришим мумкин, лекин ҳозир тўйиб ухлаб олмоқчиман, — эснаб, бўшашиб жавоб қилибди нарвон ва ерга янада қаттиқроқ ёнишибди.

— Ҳадеб жаврайверма! — газаб билан қичқирибди Кастите. — Вазифангни унутиб қўйибсан. Ҳозироқ ўрнингдан туриб, ўз вазифангни бажар!

— Буйруқ қилма менга! Вазифам нималигини яхши биламан, — нарвон қаттиқ хуррак ота бошлабди.

Кастите жаҳл билан нарвонни тепибди, унинг ёғоч оёқларидан тортибди, аммо ҳеч нарса қилолмабди. Нарвон эса чўзилганича миқ этмай ётаверибди. Кастите йиглаб юборибди. Лекин кўзёшлар юраги ёғоч бўлган нарвонга таъсир қилармиди? Бунни кўрган Кастите кўзёшларини артибди ва кўзиқорин тергани дарахтзор ичкарисига йўл олибди. Аммо туфли кўзиқоринлар билан ҳам тил бириктириб олган экан.

— Бугун биз этагингга тушишни истамаймиз! — деб қичқиришибди улар узоқдан Каститени кўрибоқ ва ҳар томонга тирқираб қочиб кетишибди. — Бугун бизинг полковни-

гимиз Боровикнинг тўйи! Рақсга тушишни истаймиз!

«Нима бало ўзи, бугун ҳамма ўз вазифасини эмас, хоҳлаганини қияпти, — хафа бўлиб ўйлабди қизча. — Туфли мактабга олиб бормай, дарахтзорда сайр қилишни хоҳлаб қолди. Ёнгоқ эса мева бермай, шамол билан ўйнайман дейди. Нарвон менга ёрдам қилиш ўрнига ухламоқчи бўляпти. Қўзиқоринлар-чи? Этагимга тушиш ўрнига ўз полковниги Боровикнинг тўйида рақсга тушмоқчи. Ҳали қуёш ҳам эртароқ ботмоқчи бўлиб, мени ўрмонда қоронгида қолдирмасайди. Қайтиб кетмасам бўлмайди. Пионер сборига улгурарман».

Кастите кўприк томон чопиб кетибди. Лекин буни кўрган кўприк қозиқлардан кўчиб ўридан тик турибди.

— Ақлингни еб қўйибсан! — деб қичқирибди Кастите. — Ҳозироқ тўғриланиб ол! Мен пионер сборига етиб боришим керак!

— Қанақа сбор? — гулдураб нариги қирғоқдан овоз берибди кўприк. — Мени ҳеч қанақа сбор қизиқтирмайди. Мен ўзига хон, қўланкаси майдонман.

— Кўприкжон, жонгинам, гапимга қулоқ сол, — ялина бошлабди Кастите. — Агар сборга етиб бормасам, пионер сафига қабул қилинмай қоламан. Ҳамма мендан хафа бўлиб, кейин умуман пионер сафига олишмайди. Жон кўприкжон, бир яхшилик қил...

— Сенга айтдим-ку, мени ҳеч қанақа сбор қизиқтирмайди деб, — унинг гапини бўлибди кўприк. — Ихтиёрим ўзимда, хоҳласам тураман, хоҳласам юраман, — шундан кейин кўприк чанг босган елкаларини ростлабди-да, қиргоқ бўйлаб юриб кетибди.

Кастите ҳазилакам қўрқиб кетмабди. Яқин орада бошқа кўприк йўқ, қизча эса дарёда сузишдан қўрқар экан.

«Тезда қуёш ботиб, қоронги тушади, кейин мен нотанин кишиларникида тунаб қолишим керак. — деб ўйлабди қизча қўрқувдан титраб. — Одамлар ҳам мана бу кўприкка ўхшаб бирор баҳона қилиб мени уйларига киритишмасачи? Тунайдиган жой топгунимча, мени итлар қувиши, ёки ов қидириб изғиб юрган бўрилар еб кетиши мумкин-ку! Кейин мен меҳрибон ойимни ҳам, азиз дадажонимни ҳам, ёқимтой опагинамни ҳам ҳеч кўролмайман. Вой-вой, у-ув».

У қуёш ботгунча, бошига тушган ташвишдан қайғуриб, йиглаб дарё бўйида кезиб юрибди. Қуёш ботиб, қоронги туша бошлаганда, яқин орадан итнинг хургани эшитилибди. Қўрққанидан Каститенинг оёқлари майишиб кетибди. У орқасига қочмоқчи ҳам бўлибди-ю, лекин бирдан солни кўриб қолибди.

— Амакижон! Жон амаки, мени дарёдан ўтказиб қўйинг! — дебди уйига қайтаётган солчига у.

— Майли. — деб рози бўлибди солчи. — Гар-

чи иш вақтим тугаган, уйда — печка олдида иссиққина ўтириш аллақандай бевош қизни дарёдан ўтказиб қўйишга қараганда яхшироқ бўлса ҳам, сенга ёрдам бераман! Қани, чиқ солга.

Қастите дарров солга жойлашиб олибди.

Солчи рулни қўлига олгач, сол қўшиқ айтиб, нариги қиргоқ томон секин суза бошлабди.

Қаститенинг оёгидаги туфли эса паромга қўшилиб куйлабди. Туфли уйга олиб борадиган сўқмоқни яхши биларкан. Қастите уйга келгач, уни ўзи артиб, мойлаб қўйишини энди туфли яхши биларкан. Агар қизча яна пионер йигилишига таклиф қилинса, унинг туфлиси яп-янги кўриниши аниқ экан.



КИМ КИМДАН ЎРГАНИБДИ?

Алите акаси Гинтарелисдан аччиқланиб, унга тилини кўрсатибди.

— Алите, тилингни чиқаришни кимдан ўргандинг? — деб сўрабди Гинтарелис.

— Ҳеч кимдан, — керилиб жавоб берибди Алите. — Ўзим биламан!

— Алдама! Сенга итимиз Шарик ўргатган.

— Ўзинг алдаяпсан! — унинг гапини бўлибди Алите. — Одам ҳам итдан ўрганадими?

— Балки Шарик сендан ўргангандир? — ён бермай дебди Гинтарелис. — Юр, Шарикнинг ўзидан сўраймиз.

— Майли, — рози бўлибди Алите, — юр Шарикнинг олдига.

Икковлари Шарикнинг олдига келишибди. Ит ўзини офтобга солиб ётар, оғзидан бўлса узун тили осилиб чиқиб тураркан.

— Шарик, Шарик, қани, айт-чи, тил чиқаришии кимдан ўргандинг? — деб сўрабди Алите.

Аммо Шарик кўзларини қисганича, думини ликиллашиб жим ётаверибди.

— Нега индамайсан, ёмон ит? — деб қичқирибди Алите. — Сен билан биров гаплашганда, тилни чиқариш яхши эмас.

Шарик яна индамабди.

— Э-э, тилинг шундоқ хунукки... — дебди Алите масхаралаб ва унга тилини кўрсатибди.

— Вов-вов-вов! — вовуллабди Шарик эркаланиб.

— Ана холос! — деб қарсак чалибди Гинтарелис. — Ит ҳозир нималар деганини билдингми?

— Хўш, нима деди у? — ҳайрон бўлибди Алите.

— У сендан анча катталигини, шунинг учун тилни кўрсатишни ундан ўрганганингни айтди. Негаки, кичиклар катталардан ўрганишади-да.

Гинтарелис кулиб юборибди. Алите эса ўзи итга эмас, ит унга ўргатганидан уялиб, қизариб кетибди.



ДАЙНА ВА ҚЎЙТИКАН

Дайна — қайсар ва кеккайган қизча экан.
Кунларнинг бирида Дайналарникига уларнинг мўри тозаловчи қўшниси қизи Аудруте билан кирибди. Аудруте катталарга одоб билан салом берибди, сўнг Дайнанинг олдига келиб, меҳр билан жилмайибди.

— Сен билан дўстлашмоқчиман, — дебди у. — Кел, бирга ўйнаймиз.

Аммо Дайна тескари қараб, бир огиз ҳам гапирмай хонадан чиқиб кетибди.

Меҳмонлар кетишгач, дадаси Дайнага:

— Дайна, нега Аудрутега қўполлик қилдинг? — дебди.

— У билан ўйнашни ёқтирмайман.

— Нима учун?

— Ойим сизнинг жуда машҳур одам эканлигингизни айтдилар. — деб жавоб берибди Дайна. — Унинг дадаси бўлса куяга беланиб, томма-том юради. Мен унақа қиз билан дўст бўлишни хоҳламайман.

— Ҳар қандай иш ҳам керакли ва қадрли. қизгинам. Мўри тозалайдиганлар бўлмаса, мўрилар беркилиб қолиб, уйга ўт кетарди, биз ҳам кўчада қолардик.

Дайна лабларини буриб жавоб қилибди:

— Бўлса бордир. Лекин Аудрутенинг меникидек чиройли ўйинчоқлари йўқ.

— Сен кеккайган, ёмон қиз экансан, — деб уялтирибди отаси Дайнани. — Бироқ, ҳали сенинг кўн нарсаларга ақлинг етмайди, шунинг учун болалик вақтимда бўлиб ўтган, бир умрга сабоқ бўлган бир воқеани айтиб бераман.

Мен у вақтларда кичкина бола эдим. Полизимиз девори ёнида барглари катта-катта қўйтикан ўсарди. Унинг бир ёнида кўзтикан, иккинчи ёнида қарағай, ерда эса чирмовиқ ўсарди. Полизда бўлса турли-туман ўсимликлар бўлиб, ўртада қадди-басти келишган кунгабоқар ўзини кўз-кўз қилиб турарди.

Полиздагилар бир-бирлари билан иноқ яшашар, қўлларидан келганча бир-бирларига қўмаклашишга ҳаракат қилишарди. Ёзнинг шамолли кунларида улар хурсандлик билан рақсга тушишар, шўхлик қилишар, ўйнашар, шамол-

дан зарар кўрган ўртоқларининг кўнглини кўтариш учун қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтиб беришарди. Тинч, илиқ кечаларда эса чигирткаларнинг ғижжак чалишини тинглашар, ҳаяжондан оқизган кўзёшлари барглاردан томиб ерга тушарди.

Фақатгина сербарг қўйтикан кулмасди ҳам, йигламасди ҳам. Бойларга ўхшаб кеккаяр, ёнидан ўтганларнинг кийимларига тиканларини санчиб, юқтириб жўнатарди. Болалар унинг тиканларини юлиб олишар, бир-бирларига отишар, ёки ўша тиканларни ўз кийимларига тугмага ўхшатиб қадаб олиб, аскар-аскар ўйнашарди. Ҳатто итларнинг жунларида ҳам ўша тиканлар тўлиб ётарди.

Шунинг учун қўйтикан бадтарроқ кеккаяр, ўзининг баргларини янада тарвақайлатарди.

— Менга қаранг, амаки! — деди бир куни чирмовиқ. — Нега сиз фақат кўзтикан билан дўстсиз, холос? Мен уни ёмон демоқчи эмасман, лекин атрофингизда сиз билан дўст бўлса арзийдиганлар кўп-ку.

Қўйтикан гердаиганича ўз баргларидан бирини кўтариб, ерда ялпайиб ётган чирмовиққа менсимай қаради.

— Ўзинг билан дўстлашишимни хоҳларсан балки? — сўради у кеккайиб.

— Хўш, нима бўпти? — камтарлик билан жавоб қилди чирмовиқ. — Сизнинг ёрдамингизда елкамга офтоб теккан бўларди, қаддимни

кўтариб олган бўлардим. Фикримча, биз дўст бўлишимиз мумкин.

— Кўнгиллари яна нимани тусайди? Қаранг-а, мен кўтариб турарканман-у, сен офтоб кўраркансан! — газабланибди қўйтикан. — Йўқ, овора бўпсан!

— Ахир, дўстлар бир-бирларига ёрдам беришлари керак-ку.

— Нари тур! Ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмасман! — тишларини гижирлатиб деди қўйтикан, сўнг бир силкиниб, ўз тиканларини чирмовиқ тенасига дувиллатиб тўкди. Чирмовиқнинг жуда кўп нозик барглари тешилиб кетди.

— На чора, бўйнидан боғлаган ит овга ярамас, — деб хафа бўлди чирмовиқ. — Яхшиси қадрдонимиз қорагат билан суҳбатлаша қол.

— Қорагат билан? — ҳайрон бўлди қўйтикан. — Мана шу яримьяланғоч чол билан-а? Аввал у меникидек катта-катта барг чиқарсин, кейин дўстлашишни орзу қилсин.

— Унда олижаноб кунгабоқар билан дўстлаш, — давом этди чирмовиқ.

— Кунгабоқар билан дейсанми? — яна бадтарроқ ҳайрон бўлди қўйтикан. — Боши сариқ ландовур билан-а? Аввал у меникидек тиканлар чиқарсин, кейин дўстлашишни орзу қилсин.

Чирмовиқ карамни айтиб кўрди — бўлмади, бодрингни айтди — бўлмади. Қисқаси, қўйтикан нолиздаги бирорта ўсимликни ўзига дўст бўлишга муносиб кўрмади.

— Хўш, унда нега кўзтикан билан дўстлашдинг? — хафа бўлиб сўради чирмовиқ. — Ахир унинг ҳам сеникидек катта барглари, ёпшиққотиканлари йўқ-ку...

— Лекин ундан ҳамма кўрқади! — деди қўйтикан.

Қара, қандай қайсар ва ёмон қўйтикан эди у, менинг ёқимтой қизгннам!

Ёзнинг ўрталари эди. Чирмовиқ дарахтга чирмашиб чиқиб гуллади, кунгабоқар ҳам гуллади, қорагатнинг нордон, ёқимли мевалари етилди. Одамлар меваларни кўриб:

— Қандай ажойиб! — деб мақташарди.

Кейин кунгабоқарнинг кулиб турган юзига қарашар, яна бир янги қуёшни кўргандек севи-нишарди.

— Қандай чиройли ва фойдали ўсимлик! — дейишарди хурсанд бўлиб.

Кунгабоқар бошини камтарлик билан эгиб турар ва полиздагиларнинг ҳаммасига жилмайиб боқарди. Унинг бундай боқишидан ҳамманинг қалби бир-бирларини севиш, яхшилик қилиш истаги билан лиммо-лим тўларди.

— Бизлардан меҳнатни ҳам, ўғитни ҳам аямаган одам учун мўл ҳосил етиштирамиз. — дейишарди сабзавотлар.

— Мен ёқимли ва фойдали писталар совга қиламан унга, — ваъда қилди кунгабоқар.

— Мен эса унинг болаларини ёқимли меваларим билан меҳмон қиламан. — деди қорагат.

Бу гапларни эшитган одамлар полизга эҳтиром ва муҳаббат билан қарашарди. Болалар қўйтикан баргларида уйчалар қилмайдиган, унинг ёпишқоқ тиканларини ўйнамайдиган бўлиб қолишди, энди улар қорагат меваларини териб ейишар ва бир-бирларига гап бермай, унинг сахийлигини мақташарди.

Қўйтикан бўлса одамлар эътиборини ўзига тортиш учун баргларини янада тарвақайлантирар, янада гердаярди. У одамларнинг кийимларига, сочларига ёпишарди.

— Қандай бемаъни ўсимлик бу! — хафа бўлишарди ҳамма одамлар. — Девор ёнида туриб олиб, ҳеч кимга кун бермайди. Бунақа гердайдиган безбет кимга керак? Келинглар, таг-томири билан уни сўғуриб ташлайлик.

Улар шундай қилишди ҳам.

Мана, ҳикоям ҳам тугади, содда, жажжи қизгинам. Охири нима бўлганини биласанми: болалар қўйтиканга қўшиб кўзтиканни ҳам сўғуриб олиб, мағзава тўкадиган чуқурликка ташлаб юборишди.



ПАРРАНДАЛАР МУНОЗАРАСИ

Ховлида кўкрагини кериб, гердайиб юрган
курка бошқа паррандалар олдида мақтанибди:

— Ким менга тенг кела оларди! Гулли-гулли!
Улли-булли! Товуқлару, хўрозчалар, қани, бош-
лиққа йўл беринглар!

— Гоқ-гоқ-гоқ, — кулиб юборибди кекса
гоз. — Аввал қўл қўйишни ўрган, кейин бош-
лиқ бўлишни ҳавас қил.

— Хўш, ўзинг ёзишни биласанми?

— Сўрашини қаранг! — хафа бўлибди
гоз. — Бундан юз йилдан ва ундан олдин яра-
тилган китобларнинг ҳаммаси менинг патим би-
лан ёзилган. Ўша китобларни ўқиб, ақлли бўлиб
олган одамлар кейин пўлат перони ўйлаб тониш-

ди. Кўриб турибсанки, мен ҳам бошлиқ бўлишга ярайман, аммо ҳовлини бошимга кўтармайман.

— Мен ҳам бошлиқ бўлишга муносибман, — гапга аралашибди хўроз. — Қадимги замонларда соат бўлмаганини биласанми? Аммо одамлар ҳар куни ўз вақтида уйқудан туришарди, чунки ҳар тонгда уларни мен уйғотардим. Узоқ йиллар давомида бунга шундай ўрганиб қолдимки, ҳозир ҳам тонгда қичқиравераман. Кўриб турибсанки, мен ҳам анча-мунча хизмат қилиб қўйганман, шунинг учун гердайсам бўлаверади.

— Сизлар ҳам гердаишинглар мумкин, би-роқ қўлингиздан келмайди-да, — деб ғўлдирабди курка ва бадтарроқ кеккайибди.

— Нима ҳам дердик, — дебди ғоз. — Кўнглингга сиққанича гердаявер, лекин аввал бурнингни артиб ол...

Паррандалар кичқиришар, курка эса нима қилишини билмас экан. У кўзини қисиб, тумшуги учига қарабди. Ростдан ҳам тумшугида қизариб катта бир нима осилиб турган экан.

Шу вақт ҳовлига паррандабоқарнинг қизи Алдуте чиқибди. Бўйнида қизил рўмоли бор экан.

— Эҳ-ҳа, ғулди-булди, сен ҳам мендан кул-япсанми? — хафа бўлибди курка.

Курка қизчага ташланибди, лекин қизча қўрқмабди, аксинча, хипчин билан уни савалабди. Курка чанг-тўзон кўтарганча қочиб қолибди. Паррандалар эса қичқира бошлашибди:

— Бошлиқ, қаёққа кетясан, хей, бошлиқ...



ҲАШАМАТЛИ УЙ

Дарё бўйида ҳашаматли янги уй қад кўтариб тураркан.

— Шаҳарда мenden ҳашаматлироқ уй йўқ, — деб мактанаркан у қўшнилариға. — Қаранг, ўтган-кетганларнинг ҳаммаси мени томоша қилишади.

— Агар бошингда қизил қалпоғинг бўлмаганда, сени ҳеч ким томоша қилмаган бўларди. — дебди унга черепицадан қилинган том.

— Рост, бу қалпоқ менга ҳусн бериб туради. — унинг гапига қўшилибди уй.

— Лекин биз мана шунaқa оппоқ бўлмаганимизда, бу қалпоқ сенга ярашмаган бўларди. — дейишибди деворлар.

— Оппоқ бўлсангиз нима қилибди? — масхараомуз дейишибди деразалар. — Ҳар бир оппоқ нарса чиройли бўлаверади деб ўйлайсизми? Қогоз ҳам, қор ҳам, сузма ҳам оппоқ, лекин ким уларни чиройли дейди? Кечирасиз, биз кенг деразалар бўлмаганимизда, сизнинг оқлигингизни ҳеч ким сезмаган бўларди.

Шу вақт уй ёнидан икки киши ўтиб қолибди.

— Ажойиб чиройли айвонлари бор эканми? — дебди улардан бири.

— Ҳа, бутун уйга ҳусн бўлиб турибди, — унинг фикрига қўшилибди иккинчиси.

Айвонлар гердайиб бир-бирларига қараб қўйишибди ва:

— Эшитдингларми? — дейишибди

Бу гапга уйнинг гаши келиб кулиб қўйибди, кейин настга кўз ташлаб, огир хўрсинибди:

— Ҳа, қизил қалпоқ ҳам, оппоқ деворлар ҳам, чиройли айвонлар ҳам менга ярашиб турибди-ю, аммо мана бу гиштан ясалган пойдевор бутун ҳуснимни бўзаяпти. Гишт терувчилар шунақа ҳам хунук пойдевор ясашадими? Ақл бовар қилмайди!

— Ёқмаган бўлсак, кетишимиз мумкин. — дебди шу вақтгача чидам билан бу гапларга қулоқ солиб турган пойдевор.

У гапини тугатар-тугатмас деворлар қийшай бошлабди, уй эса қўрқиб кетиб, ваҳима ичда қичқирибди:

— Ҳой-ҳой, тўхта! Ахир мен йиқилиб кетяман-ку!



ИТ ОЧГАН МАКТАБ

Кунларнинг бирида ит одоб мактаби очишга қарор қилибди. Кечқурун жониворлар яйловдан уйга қайтиб келишгач, у ўз ниятини уларга айтибди ва ким ўқимоқчи бўлса, ёзилсин, дебди. От билан сигир биринчи бўлиб рўйхатга ёзиб қўйишни илтимос қилишибди. Кейин қўй ва эчки, ниҳоят, чўчқа ёзилибди.

Чўчқа бундай дебди:

— Ит тўғри айтади. Хўжайинимиз — ихши одам, тўйдириб овқатлантиради, лекин биз яна ҳам одоблироқ муомала қилсак, у бизни бундан ҳам ортиқроқ севади, яхшироқ овқат беради.

Ит эса ҳаммага жим бўлишни буюрибди-да.

узоқ ўйлаб ўтирмай, одоб тўғрисидаги дарсни бошлаб юборибди.

— Овқатланмоқчи бўлсангиз, чўчқага ўхшаб чийилламанг, — тушунтира бошлабди у. — Эч-кидек маъраб, сигирдек мўъраманг. Мендан ўрганинг. Оч қолганимда ҳам хўжайиндан нолимайман. Хўжайинни кўрганда, думингизни ликиллашиб, одоб билан саломлашинг. Арпани кўрибоқ от сингари кишнаш одобдан эмас. Чўчқанинг хир-хир қилишини ҳам миннатдорлик белгиси деб бўлмайди. Назокатли бўлиш керак. Одамларга унинг атрофида сакрашинг, қўлларини ялашинг ёқади. Тушунарлими?

Хамма тушундик деб жавоб берибди-ю, фақат эчки индамабди.

— Сенга нимаси тушунарли эмас? — сўрабди ит.

— Думим калта, — хафа бўлиб жавоб берибди бечора. — Мен уни ликиллатолмайман...

— Мен ҳам эплотмайман, — гапга қўшилибди чўчқа. — Думим гажак, ҳеч ёзилмайди.

— Нега олдинроқ айтмадинглар? — деб хафа бўлибди ит. — Сизларни рўйхатга киритмаган бўлардим. Нега десангиз, менинг мактабимга бунақа ўқувчилар керак эмас.

Кейин у эчки билан чўчқани бир варакайига рўйхатдан ўчириб ташлабди.

— Бизни ҳам ўчириб ташланг! — қичқиришибди бошқалар. — Думимиз узун бўлгани би-

лан уни ликиллата олмаганимиздан кейин нима фойдаси бор?..

— Агар ликиллатишни билганингизда, мактаб очиб ўтирармидим, — деб жавоб берибди ит.

Ҳамма тинчланибди ва одоб дарси давом этибди. Тонг ота бошлагач, ит уларга жавоб бераркан, бундай деб тайинлабди:


— Бирор соат ухлаб олинглар. Хўжайин понушта олиб кирганда, одоб билан саломлашинглар.

Бир оздан сўнг эшик очилиб, бир қучоқ хашак кўтарган хўжайин оғилхонага кирибди. Шу заҳоти қўй унинг олдига чониб келибди-да, ит сингари хириллабди, сигир думили ликиллата бошлабди, от эса орқа оёғида тик туриб, хўжайин атрофида айлана бошлабди, лекин шунча ҳаракат қилса ҳам, унинг қўлини ялай олмабди.

Хўжайин жуда қўрқиб кетибди, жониворлар ақлдан озибди деб ўйлаб, оғилхонадан ўқдай отилиб чиқиб, эшикни беркитибди.

Фақат тушлик яқинлашгач, итнинг шўрлик ўқувчилари ўз овозлари билан увлай бошлагач, хўжайин оғилхонага киришга журъат қилибди. Уни кўриб хурсанд бўлган, одоб мактабини битирганини ҳам унутган жониворларнинг ҳар бири ўз одатича хўжайин билан саломлашибди: сигир тумшуги билан унинг биқинига туртибди, от оёғи билан охурни тепибди, қўй маърабди.

— Ажойиб жониворларим бор, — дебди хўжайин бу ердагиларнинг ҳар бирининг елкасини силаб. — Ақлдан оздингларми деб қўрқиб кетибман-а...



САБЗАВОТЛАР МАЖЛИСИ

Кунлардан бир кун сабзавотлар ҳадеб полизга киравериб жонга теккан хўжайиннинг эчкисидан қутулиш йўлини топиш учун мажлисга тўпланишибди.

— Ҳурматли жамоат! — елкасида калласи борлиги учун раис қилиб сайланган карам йиғилганларга мурожаат этибди. — Бугун биз жуда муҳим масалани муҳокама қилишимиз зарур, шунинг учун албатта президиум сайлашимиз керак. Мен қизилбош карамни сайлашни таклиф қиламан.

Қизилбош карам президиумдан ўз жойини эгаллагач:

— Ишонч-эътиборингиз учун раҳмат, азиз

ўртоқлар. Мажлисимиз принципиал ва муҳим аҳамиятга молик, аммо ҳаммамиз учун ҳурматли гулкарамни ҳам президиумга сайласак, мажлисининг эътибори яна ҳам ошган бўлур эди, — дебди.

Сабзавотлар маъқуллаб, баргларини шитирлатишибди ва гулкарам бир овоздап президиумга сайланибди. У президиумга сайласа бўладиган бирор яқин қариндошим кўринармикан, деб аланглай бошлабди. Бироқ, унинг шундоққина рўпарасида катта ошқовоқ ағанаб ётар, шунинг учун гулкарам унинг қорни ортидагиларни кўрмасди.

— Мен... мен таклиф қиламанки... — шўрлик ўзини бирорта ҳам қариндошини эслолмай пичирлабди.

Ишбилармон бодринг анчадан бери қулай фурсатни кутиб турган экан, шунинг учун гулкарамнинг шошиб қолганидан фойдаланмоқчи бўлибди.

— Менга сўз беринг! — қичқирибди у ва рухсатни ҳам кутиб ўтирмай, шошилиб: — Раислик қилувчи карам президиумга ўз синглиси қизилбош карамни, қизилбош карам эса ўз холаваччаси гулкарамни таклиф қилди. фикримча, донишманд гулкарам президиумга ҳурматли ошқовоқ холамини таклиф қилмоқчига ўхшайди. тўғрими? — дебди.

— Ҳа, ҳа... мен ўртоқ ошқовоқни таклиф қиламан. — унинг фикрига қўшилибди гулка-

рам, бу қийин аҳволдан қандай қутулишни билмай.

«Менга ҳам давр келиб қолди. — деб ўйлабди ўзининг биринчи муваффақиятидан хурсанд бўлган бодринг. — Агар мен айтмаганимда, гул-карам ошқовоқни ҳечам таклиф қилмаган бўларди. Қариндошлар яхшиликка яхшилик билан жавоб беришлари керак. Шундоқ экан, ошқовоқ президиумга мени таклиф қилиши лозим».

Лекин ошқовоқ бодрингни ҳайрон қолдириб, президиумга уни эмас, кунгабоқарни таклиф қилибди ва:

— Президиумга сайлашни тўхтатишни таклиф қиламан! — дебди.

— Яхшиликни билмаган! — хафа бўлганидан ёрилиб кетай дебди бодринг. — Менга хола эканлигинг, ошқовоқдошлар оиласидан эканлигимиз эсингдан чиқдими? Украинада ўсадиган қизил тарвузни эсингга солиб қўйиншимни хоҳларсан балки? У Литвага етиб келгунча, минг-минг километр йўл босиб ўтади, лекин ўз жиянлари — бодринглар олдида керилмайди. Сен эса, нодон кампир, картошкали шўрвага ярасанг-да, ўз қариндош-уругларингни назар-писанд қилмайсан!

— Сен менинг қариндошиммисан? — қорнини шишириб дебди ошқовоқ. — Биринчи марта эшитиб турибман. Қариндошларимнинг ҳаммаси менга ўхшаган катта-катта, сендақаларнинг юз-

таси битта ошқовоқнинг қорнига жо бўлади. Одамлар бизни сиз шўрликларга ўхшатиб тузлашмайди. Бизни асал ёки гўштга қўшиб ейишмайди, лекин шакар қўшиб шундай овқатлар тайёрлашадикки, ширинлигидан болалар унга қўшиб тилларини ҳам ютиб юборгудай бўлишадди. Йўқ, азизим, қариндошликни даъво қилиб бекорга овора бўласан. Сен билан биз бошқа-бошқа нарсалармиз. Сен патинжон билан қариндош бўлсанг керак. Хўжайинимиз келгуси йили томорқага патинжон эймоқчи. Гарчи у кўринишдан сенга ўхшамаса ҳам, лекин одамлар уни сен шўрликка ўхшатиб тузлашадди.

Ғазабдан бодринг ҳатто саргайиб кетибди.

— Майли, бу гапларинг ҳеч ёдимдан чиқмайди, қоринбой! — у ўрнидан иргиб туриб кетибди, шу пайтда бодринг қариндошига анча-мунча қаттиқ гапларни қилмоқчи экан-у, лекин ўз палакларига ўралашиб, йиқилиб тушибди.

Карам раислик ҳуқуқидан фойдаланиб, мажлисни давом эттиришни таклиф қилибди.

— Бугун қариндош-уруғчилик жанжалига қараганда муҳимроқ ишларимиз бор, — дебди у. — Биз ўзаро жанжаллар қилиш учун эмас, томорқадагиларнинг ҳаммасига кун бермай қўйган хўжайиннинг эчкисидан қандай қутулиш чорасини топиш мақсадида тўпланганмиз. Агар эчки бундан кейин ҳам бебошлик қилаверса, бирортамининг ҳам бошимиз омон қолмай

ди. Қариндошим савой қарами эсингизда борми? Эчки унинг илдизигача қўймай ғажиб ташлади.

— Менинг эса укамни дебсаб ташлади! — хафа бўлиб дебди помидор.

— Баргларимни қўймаган, — арз қилибди шолғом.

— Мени ерга киргизворди, — гап қўшибди сабзи.

Ҳамма сабзавотлар бир-бирларига гап бермай эчкидан арзу дод қилишибди.

— Бўлди, чўзаверманглар, — деб уларнинг гапини бўлибди қарам. — Яхшиси, нима қилиш кераклигини келишиб олайлик. Энг тўғри йўл хўжайиннинг олдига бориб, девордаги очиқ жойни беркитиб қўйишни илтимос қилиш, деб ўйлайман.

Йигилганларнинг ҳаммаси буни доно фикр деб ҳисоблашса-да, хўжайиннинг олдига ким бориши керак, деган муаммони ҳал қилишолмабди.

— Мени юборишдан фойда йўқ, — деб тушунтира бошлабди лавлаги. — Бека мени дарров сигирга тўғраб беради.

— Мен эса ҳатто беканинг олдига етиб боролмайман ҳам, — дебди шолғом. — Йўлдаёқ болалар мени тутиб олиб, пўстимни артиб еб қўйишади.

— Мен борардим-у, бироқ хўжайин гапимга қулоқ солмайди. — дебди ловия, чунки у ҳам вакил бўлиб боришдан қўрқаркан. — Биз ловия-

ларнинг обрў-эътиборимиз йўқлигини, ҳатто устимиздан ҳамма кулиб юришини, болалар эса биз ҳақимизда қўшиқлар айтиб юришларини кўпчилик билади.

— У тўғри гапиряпти, — дебди шу вақтгача жим ўтирган бодринг. — Бека сигирга ташламайдиган, болалар еёлмайдиган, келишган, каттароқ бирортани юбориш керак. Томорқада энг семиз, жиддий, келишган шахс ўртоқ ошқовоқ бўладилар. Шунинг учун мен уни бизнинг фавқулодда ва мўхтор элчимиз этиб сайлашни таклиф қиламан.

Сабзавотларнинг ҳаммаси баргларини шитирлатишибди ва бу таклифни маъқуллашибди, ошқовоқ эса аччигидан кўкариб, қорнини ичига шундай тортибдики, ҳатто икки баравар кичрайиб кетибди.

«Нихоят, бу қари тентакни боладим, — хурсанд бўлиб кетибди бодринг. — Хўжайиннинг олдига жўнаб қол-чи. У ерда терингни шилиб, майдалаб тўғраб, картошкали шўрвага ташлашади, бугун кечқуруноқ маза қилиб туширишадим».

Бодринг ўзининг кеккайган холасини боладим деб ўйлаб турган дақиқаларда ошқовоқ ўзини тутиб олибди-да, хотиржамлик билан:

— Ўртоқ бодринг кўрсатган ҳурматга мен лойиқ эмасман. Раисимиздек миқти бошим ҳам йўқ, унинг синглиси қизилбош қарамдаги хусн ҳам йўқ, қадрдон дўстимиз қуигабоқар сингари

қадди-бастим ҳам келишган эмас, бодринг айтган фахрли топшириқни эътироз билдирмай қабул қилган бўлардим, лекин... Нега қабул қилолмайман, ўртоқлар? Шунинг учунки, биз у билан машхур ошқовоқдошлар уругига мансубмиз. Ҳаммага маълумки, ошқовоқдошлар энг яхши элчилар ҳисобланади. Бироқ, шуни қўшиб қўйишим керакки, дунёдаги барча рўйхатлар алифбе тартибида тузилади. Мактабларда ҳам, армияда ҳам, кутубхонада ҳам шундай. Дунёдаги барча лугатлар ҳам алифбе тартибида тузилган. Шунинг учун ҳам элчини алифбе бўйича танлаш лозим деб ҳисоблайман, — дебди.

Сабзавотлар хурсанд бўлиб, ошқовоқнинг таклифини маъқуллашибди, чунки уларнинг ҳаммаси ҳам хўжайиннинг олдида боришдан қўрқар экан. Айёр мешқорин эса ганида давом этибди.

— Лекин бутун бало шундаки, томорқада ошқовоқдошлар оиласига мансуб бўлган сабзавотлар анча бор. Ўртоқ бодринг ҳам ошқовоқдошлардан. Шунинг учун мен фахрли элчилик вазифасини ундан тартиб олмоқчи эмасман, чунки бу шараф унга тегишлидир.

— Бемаъни гап! — унинг сўзини бўлибди бодринг. — Сен президиумда ўтирибсан. демак, бу ишга сен муносибсан.

— Шошма, ҳурматли бодринг, — босиқ жавоб қилибди ошқовоқ. — Мажлис ҳозиргина элчини алифбе бўйича тайинлашга қарор қилди.

Икковимиздан қай биримиз алифбеда олдинда эканлигимизни мажлис айтиб беради.

— Сафда доимо бўйи баландлар олдинда туришади, — деб қарши чиқибди бодринг. — Сен мендан каттасан, шунинг учун ҳам сен биринчи бўлишинг керак.

— Тўғри, мен сендан каттаман, — жилмайиб жавоб қилибди ошқовоқ. — Лекин такрор айтаман: мажлис ҳозиргина элчини алифбе бўйича жўнатишга қарор қилди, шунинг учун бу тартибга амал қилишимиз лозим. Алифбеда «Б» ҳарфи «О» ҳарфидан олдинда бўлганлиги сабабли элчи бўлиш шарафи ўртоқ бодринг зиммасига тушади.

Шу сўзларни айтиб, ошқовоқ ўз қариндошига масхараомуз таъзим қилибди. Сабзавотлар қарсақ чалиб, ҳозиргина сайланган элчини табриклашибди. Энди бодрингнинг хўжайиннинг олдига бориб, деворни тузатиб қўйишини илтимос қилишдан ўзга чорасп қолмабди.


Лекин ҳамма нарса яхшилиқ билан тугаган бўлганда, ҳикоямни шу ерда тамомлардим. Яқинда мен бодринг томорқага қайтиб келмаганини эшитиб қолдим, чунки бека уни тузлаб қўйибди. Сабзавотлар бу фожиани эшитиб, ўша кунийёқ катта мотам митинги уюштирибдилар, унда қарам аламли нутқ сўзлабди. бодрингни қаҳрамон деб атабди, бир минут сукут сақлаб, уни хотирлашни таклиф қилибди. Бироқ, сабзавотлар қарамнинг сўзларидан таъсирланиб,

шундай оҳ-воҳ кўтаришибдики, сукут сақлашни эртасига кўчиришга тўғри келибди. Каттаю кичик, чўзигу юмалоқ, пишгану хом, барглигу баргсиз сабзавотларнинг ҳаммаси йиглабди, айниқса, қориндор ошқовоқнинг йигиси ҳамманикидан ошиб тушибди.

— Қандоқ кўргилик, қандоқ кўргилик бу! — инграркан у. — Мард жиянимнинг бошига бундай кунлар тушишини билганимда, алифбега қараб ўтирмай, хўжайиннинг олдига ўзим бормасмидим!

— Наҳотки, бодринг сенга қариндош бўлса? — хайрон бўлибди кунгабоқар. У ҳаммани майна қилиб кулишини яхши кўраркан. — Сенинг томирларингда қизил тарвузнинг қони оқарди шекилли, фақат тузлашга ярайдиган патинжонлар уругидан эмасдинг чамамда.

— Йўқ, сен янглишяпсан, — деб жавоб берибди ошқовоқ кўзёшларини тўкиб. — Бодринг бизнинг ошқовоқдошлар оиласидан бўлади... Энгашиб, эгатларга яхшироқ назар солгин — шунда бизларнинг палакларимиз ҳам, барг ва гулларимиз ҳам худди эгизаклардай бир-бирига ўхшашлигини кўрасан. Мен доимо бодринг билан қарипдошлигимдан фахрланиб юрардим, энди эса яна ҳам фахрланаман. Унинг қаҳрамонларча ўлими барча ошқовоқдошлар оиласига шон-шуҳрат келтирди. Шунинг учун унга ҳайкал ўрнатишни таклиф қиламан.



СЕХРЛИ ТОЙЧОҚ

Бу галати воқеани бошқалардан эшитганманми ё ўзим тўқиб чиқарганманми — аниқ эсимда йўқ, аммо ҳар гал уни эслаганимда, буларнинг ҳаммасини бошимдан кечирган бўлсам керак, деб ўйлаб қоламан. Қичкина пайтларимда дадам билан тез-тез шаҳар боғига келиб турардик. У ерда кўпгина аттракционлар қаторида мен яхши кўрадиган отўйин ҳам бор эди. Қора эгарли оқ тойчоқлар, автомобиллар, йўргалар қўшилган аравачалар қаторлашиб турарди. Мўйловли амаки аллақандай мурватни бураб юборса, катта тахта доирага ўрнатилган ўша нарсаларнинг ҳаммаси юриб кетарди. Уларга жойлашиб олган болалар хурсанд бўлиб

кичқиришар, шапкаларини иргитишар. оёқларини тапиллатишарди. Орадан бир неча минут ўтгач, мўйловли амаки айланаётган отўйинни тўхтатарди, болалар ерга тушиб, бошқаларга ўрин бўшатишарди. Улар қатори мен ҳам ўзим яхши кўрган тойчоқлардан бирига миниб олардим.

Кунлардан бир куни менинг навбатим етиб. рўпара келган бир тойчоққа минмоқчи бўлиб турганимда, дадам қўлимдан тутиб:

— Нима қияпсан? Бу тойчоқнинг пешонасидаги юлдузи ҳам, ўнг оёғи ҳам қора эканлигини наҳот кўрмаётган бўлсанг? — деди.

— Кўрдим, лекин нима бўпти?

— Нима бўларди, — гапимни чўрт кесди дадам, — бу тойчоққа миниб улгурмасингданоқ сени ерга ағдариб ташлайди. Ахир ўзинг бир қаргин — отўйиндаги ҳамма тойчоқларга аллақачон болалар миниб олишган, лекин фақат қора юлдузчаси бор шу тойчоққагина ҳеч ким минмаган. Ростдан ҳам ҳеч нарсани сезмас экансан.

— У чўлоқ бўлса керак-да, — дедим тойчоққа раҳмим келиб.

— Ёшлигимда мен ҳам шундоқ деб ўйлардим, — деди дадам. — Отўйин қурилгандан бери усталар бунини жуда кўп марта текшириб кўришган, айниқса, мана шу қора юлдузли тойчоқни. Бироқ, ундан ҳеч қанақа айб топиша олмаган.

— Сиз ҳам унга минганмисиз?

— Жуда кўп марта. Аммо ҳар сафар ярим

марта айланиб улгурмай, ерга ағдариб юборарди. Қора юлдузи бор бу тойчоқда ҳали ҳеч ким бир мартадан ортиқ айлана олмаган. Ерда ағдарилиб ётгандан кўра, тойчоқда гир айланишни ҳамма болалар афзал кўрадилар, шунинг учун бу қайсар тойчоқни ҳеч ким мипмайди.

— Қизиқ... — дедим мен.

— Ростдан ҳам қизиқ, — фикримга қўшилди дадам. Бошқа бўш тойчоқ қолмагани учун, икки от қўшилган аравачага дадамнинг ёрдамида чиқиб ўтирдим.

Ўша куни кечаси анчагача ухлолмай ётдим. Ниҳоят, кўзим юмила бошлади. Бирдан хона деворлари ўрнида шаҳар богидаги дарахтлар пайдо бўлди. Кейин дарахтлар остида тўртта-тўртта қилиб қаторлаштирилиб қўйилган отўйин тойчоқлари кўринди. Ҳамма тойчоқларни болалар миниб олишган, лекин қора юлдузли тойчоқ устида ҳеч ким йўқ; у бошини эгган, сузилиб турган кўзларидан ёш оқарди.

— Ҳамма тойчоқлар хурсанд, фақат сен хафасан-а, — дедим унга. — Нега бундай?

Тойчоқ бошини кўтармай менга ер остидан қараб, истамайгина жавоб қилди:

— Ҳар битта отда чавандоз бўлса-ю, нкка ўзим сўнпайиб ёлғиз турсам, қандоқ қилиб хурсанд бўлай? Эҳ, яхши йигитча, сенга бахтсизлигимнинг сабабини айтиб беришим мумкин, лекин тушунармикансан? Тушунгач, менга ёрдам бера олармикинсан, ёрдам беришни хоҳлармикинсан?

— Нега ёрдам беролмас эканман? — деб ҳайрон бўлдим. — Сен жуда бахти қора экансан, йиғлаяпсан. Менга яқинроқ кел, сени силаб қўяман, кўзёшингни артаман, хурсанд бўлиб кетасан. Кейин сенга жуда фойдали бир маслаҳат бермоқчиман: бунақа ўжар бўлаверма, болаларни эгардан агдарма! Отўйиндаги бошқа тойчоқлар сингари ўзингни яхши тутсанг, чавандозларинг кўпайиб кетади, доимо бўйнингни гоз тутиб, қулоқларингни диккайтириб, кўкрагингни кўтариб, бирор болани миндириб отўйинда чопаверасан.

— Чиндан ҳам яхши маслаҳат, — қора юлдузли тойчоқ фикримга қўшилди. — Отўйиндаги бошқа тойчоқлар сингари эс-хушли бўлганимда, жон деб маслаҳатингга амал қилардим. Лекин уста мени ясаётганда, аллақандай бошқача дарахт ёғочидан ишлатган шекилли, шунинг учун қанча уринсам ҳам, оддий ёғочдан ясалган бошқа тойчоқлардек бўлолмаяпман. Мен, афтидан, сеҳрлаб қўйилган бўлсам керак, бундан мени ким қутқара олишини билолмайман.

— Демак, сенда айб йўқ! — деб қичқирдим унга раҳмим келиб. — Мен бўлсам, болаларни ёмон кўрасан, аччиғинг келиб, шаталоқ отасан, деб ўйларканман... Эҳ, сенга ёрдам берпш учун ҳамма нарсага тайёрман, сеҳргар уста сеҳрини йўқотиш йўлларини билганимдайди!

— Афсус... Афсус... — пичирлади бечора той-

чоқ суҳбатимиз давомида биринчи марта бошини кўтариб, менга минпатдорлик билан боқаркан. — Энди менга ҳеч ким ёрдам беролмаса керак, яхши йнгитча. Агар ғамимни енгиллаштирмоқчи бўлсанг, онда-сонда менга миниб, бир минутгина айлан. Йиқилиб тушгунигча чид. Чунки отўйинида чавандозсиз айланишдан уялиб, ерга киргудай бўлиб кетаман.

Бу гаплардан сўнг қора юлдузли тойчоқ ҳам, қаторлашиб турган ҳамма оқ тойчоқлар ҳам ғойиб бўлишди. Мен яна хонамда бўялмаган шилларга қараб ёлғиз ётардим. Шилдаги тахталарнинг турли-туман сирли чизиқлари менга доимо эртаклардаги алланарсаларни эслатарди. Кўрганларим тушимми-ўнгимми — ажратолмасдим, лекин шаҳар богидаги дарахтларнинг шилдираши, узоқлашиб бораётган тойчоқлар туёғи овози қулогимда жарапглаб тургандек эди.

Эрталаб дадамга:

— Кечаси олдимга қора юлдузли тойчоқ келиб кетди. У сехрлаб қўйилган экан, ҳеч ким уни минмаганлигидан жуда-жуда хафа эмиш. Мен унга ёрдам бермоқчиман, шунинг учун энди отўйинида доимо уни минаман. — дедим.

— У тушингга кирдими? Қани, ганир-чи.

— Бу туш эмасди, қора юлдузи бор, ўнг оёғи тиззасигача қора ўша тойчоқни аниқ кўрдим. У билан бирга яна болаларни миндириб олган кўнгина оқ тойчоқлар ҳам бор эди. Фақат уста

сеҳрлаб қўйган ўша менинг тойчоғимнигина ҳеч ким минмаган эди, холос.

Шундан кейин дадамга ўша кечасидаги воқеанинг ҳаммасини айтиб бердим. Буларнинг ҳаммаси чиндан ҳам бўлиб ўтганди, чунки бунақа тушлар бўлмаслигига дадам ишонса керак деб ўйлардим.

— Мен унга ёрдам беришим керак, — деб қўшиб қўйдим тойчоқ билан бўлган суҳбатимни тугатгач, — ахир у жуда ҳам бахтсиз, шундай бахтсиз бўлиб қолаверади энди. Чунки ҳеч ким сеҳрни қандай қилиб ечишни билмайди. Ахир ўзингиз ҳамма бахтсизларга ёрдам бериши керак дердингиз-ку?!

Дадам жилмайганча мени кўтариб бағрига босди ва:

— Эҳтимол сен ҳақдирсан. Майли, билганингни қил. Фақат бир нарсани эсингдан чиқарма: тойчоқдан йиқилганингдаги азобларни бошқалар эмас, ўзинг тортасан, гурралар сенинг нешонангда бўлади, — деди.

— Биламан. Бир йилдан кейин мактабга қатнай бошлайман. Катта бўлиб қолдим, ҳаммасини ўзим тушунаман, — гердайиб жавоб қилдим дадамга, кейин мени шаҳар боғига етаклаб боришга ҳожат йўқлигини, керак бўлса ўзим ёлғиз ёки ҳовлидаги тенгдошларим билан бораверишим мумкинлигини қўшиб қўйдим.

— Рост, сен катта бўлиб қолдинг, — деб фикримни қувватлади дадам. — Лекин ҳарҳолда

шаҳар богига бирга борганимиз яхши бўлар.

Ўша куниёқ дадам ишдан қайтгач, у ерга биргалашиб бордик. Мўйловли қоровул отўйинни тўхтатган ҳамонқ, гарчи ҳеч ким қора юлдузли тойчоқни минишга шошилмаётган бўлса-да, мен унинг олдига бордим. Унинг қарашлари ғамгин, лаблари аразлагандек осилган эди. Бир қўлим билан ёлларини силаб, иккинчи қўлимни унинг тумшугига теккиздим. Бирдан унинг қўлимни иссиқ тили билан журъатсизгина ялаётганини сезиб қолдим.

— Энди сен ақлли бўласан, тўғрими? — шивирладим унинг қулоғига. Шунда у гўё бошини қимирлатиб гапимни тасдиқлагандай ва бу билан мени уялтирмасликка ваъда қилгандай бўлди.

— Анавини қаранг, анавини қаранг! — қичқира бошлади болалар ўжар тойчоққа минаётганимни кўриб. — Янги от ўргатувчи пайдо бўлибди-ку! Афтидан бу ерга биринчи марта келган ёки мақтанчоқ бўлса керак.

— Албатта мақтанчоқ-да: олдин ҳам уни бу ерда кўрганман.

— Ҳой, мақтанчоқ, кел, гаров боғлашамиз: эгарда беш секунд ҳам туролмайсан.

— Хафа бўлма, — менга далда берди сўл тарафимдаги оқ ёлли тойчоққа миниб олган қўшним. — Буларнинг ҳаммаси бу тойчоқни миниб, ундан йиқилишган. Шунинг учун той-

чоққа минмоқчи бўлганларга бефарқ қараб туришолмайди.

Бу болага яхши гап айтиб, миннатдорчилик билдирмоқчи бўлдим, лекин худди шу пайт отўйин юриб кетди. Бирдан қора юлдузли тойчоқ аллақасерга йўқолиб, остимда бўшлиқ пайдо бўлди. Мен қўрқувдан қичқириб, бор кучим билан юганини тортдим, лекин қандайдир нотапиш бир куч мени эгардан итқитиб юборди ва чархпалак қилиб ерга урди.

Шовқин-сурон, қичқириқлар эшитилди.

— Қалай, нима дегандим?

— Шундоқ бўлишини билардим!

— Вой, шўх тойчоғ-ей...

— Қайсар!

— Рост! Ҳар қанақа мақтанчоқни ҳам елкасида кўтариб юраверармиди!

— Ҳой, йигит! — қичқирди чан ёнимдаги қизларникидай оқ юзли бола. — Тур ўрнингдан, тойчоғимга мин, мен аравачадан бўш жой топарман. Эшитяпсанми? Отўйин тўхтамасдан миниб ол.

Биров гўё сочимдан тортгандай ўрнимдан ирғиб турдим. Лекин оқ юзли бола минган тойчоқни отўйин тўхтамасдан эгаллаб олиш учун эмас, балки ўша қора юлдузли тойчоқнинг кўнглини хуш қилиш ниятида турдим. Афсуски, бу сафар ҳам шарманда бўлдим. Ярим марта айланиб улгурмасимданоқ ўзимни ўша шум тойчоқ оёқлари остида кўрдим. Шундан кейин

ўзим ҳам нима қилаётганимни билмай, хижолатдан лов-лов ёниб учинчи марта эгарга ўтирдим. бир неча секунддан сўнг яна ерга агдарилдим.

Эҳ, қанчалик хафа бўлганимни билсангиз эди! Тиззам шилинган, пешонамда катта гурра пайдо бўлган эди. Лекин буларнинг ҳаммаси болаларнинг бешафқат масхаралаши олдида сариқ чақага ҳам арзимасди. Болалардан ташқарн баъзи бир катталар кулишиб, менга ўхшаган болалар аввал ерда юришни ўрганиб, кейин тойчоқ минишса бўларди, дейишарди.

— Ўлгудай расво тойчоқ экансан, — дедим ўзимни йигидан аранг тўхтатиб. — Наҳотки, сенга ёрдам қилмоқчи эканлигимни тушунмаётган бўлсанг? Бирпас эгардан агдармай туролмайсанми? Яхшиликка ёмонлик қайтаришадими? Уятсиз ҳайвон! Сен ёмон экансан, энди сени яхши кўрмайман, устанинг сеҳри билан яшайвер энди.

Дадам кўлимдан ушлаб, раҳми келиб:

— Кетдик уйга. Майли, хафа бўлма, ахир ақлли йигитсан-ку. Аммо бари бир бу тойчоққа яқинлашма энди, — деди.

— Унга энди ҳеч ҳам яқинлашмайман. аҳмоқ, расво экан у! — қичқирдим газабдан титраб. — Мен унинг адабини бериб қўяман! Шундай адабини берайки, мендан ёрдам сўраган кечани ҳеч унутмасин. Йўқ, бунақа ҳақоратга чидаб бўлмайди. Менга деса юзта уста уни сеҳрлаган бўлмайдими? Менга таёгингизни бе-

риб туринг! Навбатим келиши билан уни миниб олиб, биқинига шундай савалайки, тилини чиқариб, чўзилиб қолсин. Ҳеч-ҳеч аямаймай уни!

— Бунақа багритош бўлиш керак эмас, — деди менга дадам. — Тўгри, сен хафасан, лекин ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр: ўша қора юлдузли тойчоқнинг нима айби бор? Ахир ўзинг уни сеҳргар уста аллақандай бошқача ёғочдан ясаганини айтувдинг-ку...

Ҳа, ростдан ҳам дадам ҳақ эди. Мен бирор нарса дейишга ожиз эдим, шунинг учун унинг бағрига юзимни яшириб, аччиқ-аччиқ йигладим. Болаларнинг масхаралашидан қаттиқ хафа эдим-у, лекин шўрлик тойчоққа ҳам раҳмим келарди. У менга яна яхши кўриниб кетди. Ахир ёрдамимга муҳтож эди-да, у.

Ўша кундан бошлаб отўйинда айланиш учун шаҳар богига тез-тез келадиган бўлиб қолдим. Дадам ишламаган кунни у билан, баъзан ҳовлидаги ўртоқларим билан, ҳатто баъзан бувимларни алдаб, ўзим ёлғиз келардим.

Болалар мени кўрибқ:

Куйлайлик қўшиқ бир-бир:
Келаётир бир ботир!
Бу ақлсиз чавандоз
Ерга ағдарилар боз. —

деб куйлай бошлашар эди.

Шундай ҳам бўларди: ҳар сафар қора юлдуз-

ли тойчоққа минардим, бир марта айланмасим-
даноқ ерга агдарилиб тушардим.

Болалар бўлса, олдиндан бунин билгандай
роҳатланиб қичқира бошлашарди.

Мен эса болаларнинг кулгисига эътибор бер-
май, тойчоқнинг оёқлари остидан чиқиб эгарга
ёнишардим. Болалар эса қўшиқнинг иккинчи
бандини бошлаб юборишарди:

Ерга тушса бош оша,
Бўлар қизиқ томоша!
Бу ақлсиз чавандоз
Бурнин қонатади боз!

Нима бўлди дейсизми? Худди қўшиқдагидай
бўлади. Борди-ю, бурним қонамаса, ё жагимни,
ё тирсагимни, ё бошқа бирор еримни шилиб
олардим. Деярли ҳаммавақт байрамларда бўял-
ган тухумдай у ер-бу еримни кўкартириб юради-
ган бўлиб қолдим. Энди оқсоқланиб уйга қайта-
ётганимда, шўх болалар бундай ашула айтади-
ган бўлишди:

Бунча тез чоима, тулпор,
Чавандозга бўл хушёр!
Кейин бундайин аҳмоқ
Қайдан топилар, тойчоқ?
Бу ақлсиз чавандоз
Тинмай мактанади боз!

Ҳозир ёнимда дадам таскин бериб турмаган
ёки тасма билан савалайман деб кўрқитмаган
пайтларда отўйинга битта билет сотиб олар-
дим-у. қора юлдузли тойчоқнинг адабини бериб
қўярдим. Доим қўлимга ё аргамчи, ё хипчин

ушлаб олардим-да, шўрлик тойчоқнинг дуч келган ерига савалардим, биқинига товоним билан аямай ниқтардим, тойчоқ эса азоб чекиб титтарди.

Болалар қувониб қичқириб кулишар, чапак чалишар ва маза қилиб бояги қўшиқнинг тўртинчи бандини айта бошлашарди:

Савар демай юз-қўзи,
Қирчангисини ўзи.
Эчки минганинг минг бор
Яхши бергандан озор!
Бу ақлсиз чавандоз
Эчки минсин, эчки боа!

Болалар ҳали қўшиқни охирига етказиб улгурмай, мен яна аллақандай кўринмас чуқурликка учиб кета бошладим, кейин ҳавода чархпалак бўлиб эгардан отилиб тушдим. Отўйин айланишда давом этарди, мен икки марта яна ўша қора юлдузчали тойчоққа тирмашдим. Аммо яна шарманда бўлиб ағдарилдим. Янги ғурралар ва кўкарган жойлар орттириб олганим қолди, холос.

Аччигимдан тушгач, қаттиқ хижолат чекардим, қўрқоқ қуёндек уйга чопардим, лекин дарров дадам ёки бувимнинг кўзларига кўринолмай, бирор пана жой топиб тўйиб-тўйиб йиғлаб олардим.

«Қандай ёмон, қандай адолатсиз боламан-а, — уришардим ўзимни ўзим, иккинчи марта асло бундай қилмайман, деган қарорга келиб. — Ахир шўрлик тойчоққа ёрдам бер-

моқчийдим-ку, аслида нима қияпман? Уни си-
лаб-сийпаб яхши гаплар билан овутиш ўрнига
газаб билан ниқтайман, калтак билан савалай-
ман, ҳатто икки марта муштладим ҳам. Мен
боламас, аллақандай ваҳшийман! Ахир у ақлли
тойчоқнинг айби уста томонидан сеҳрлаб қўйил-
ганими?.. Тўгри, мени душманга ўхшатиб эгар-
дан отиб юбориш яхши эмас. Ахир мен уни
минмаслигим ҳам мумкин-ку! Рост-да! Ёрдам
қилиш ўрнига азоб берарканман, нега энди
хадеб унга интилавераман?»

Шаҳар богидан қайтгач, мана шундай ич-
этимни ердим, бундан кейин ақллироқ бўламан,
деб қасам ичардим-у, лекин эртасига яна ҳамма-
си илгаригидай қайтариларди.

— Жуда ҳам қайсар боласан, ўғлим, — деди
бир куни кечқурун дадам шу вақтгача омон
сақланиб келган, бугун эса шишган бурнимни
кўриб. — Бу бемаъни тойчоқни деб бир кунмас-
бир кун бўйнинг узилмасайди. Наҳотки, бирорта
ақлли одам тоиилиб, ўша ярамас тойчоқнинг
ўрнига бошқасини ўрнатиб қўймаса? Ақл бовар
қилмайди.

— Уни отўйиндан олиб ташлаш керак де-
моқчимисиз? — хавотирланиб сўрадим, чунки
қанча азоб тортган бўлсам ҳам, ўша тойчоққа
анча-мунча ўрганиб қолган эдим.

— Бўлмаса-чи! — гапимни бўлди дадам. —
Ҳеч нарсага ярамайдиган ўйинчоқнинг кимга
кераги бор? Эртагаёқ горисполкомга кириб,

ўша бошогригини олиб ташлашларини сўрайман.

— Тойчоқни-я! — қўрқиб қичқирдим.

— Ҳа-ҳа, тойчоқни. Ортиқ тоқат қилиш мумкин эмас.

Мен бундай қилмасликни сўраб дадамга ялиндим, аммо у сўзида туриб олди.

Қаттиқ хафа бўлиб ётоқхонага кириб кетдим. аммо узоқ вақт ухлолмадим. Гоҳ сеҳрли ёзувларга тўла ёғоч шифтга, гоҳ тўлиной нури тушиб турган деразага қараб каравотимда безовталаниб ётардим, юрагим гамга тўлиб кетганидан кўзёшларимни тўхтатолмасдим.

Ниҳоят, ярим кечага бориб бир дақиқагина кўзим илинди. Ухлаб ётган шаҳарни тўлиной ёритиб турган экан-у, мен тонг отибди шекилли деб ўйлабман.

Қандай қилиб кийинганимни, эшикни очиб пилланояга чиқиб қолганимни билмайман. Дадам уйғониб қолмасин деб, оҳиста ҳаракат қилардим, лекин ҳар қадамимда бирор нарса тарақлар, шовқини кўтарилар. гўё бир киши сиримни очиш учун атайлаб шундай қилаётгандай туюларди. Шунинг учун ҳеч кимга билинтирмай кўчага чиқиб олганимдан аввало жуда ҳайрон бўлдим, кейин севиниб кетдим.

Ўзимни ботир деёлмайман: агар кечаси уйда ўзинг ёлғиз қоласан дейишса, сира-сира кўнмаган бўлардим, лекин ҳозир ҳамма ухлаб ётган шаҳарда заррача ҳам қўрқмай юриб борардим.

Фақат шаҳар боғига етиб келгандагина жиндай қўрқдим. Ойдин кечада мудраб ётган дарахтлар ўртасидаги отўйинни кўриб, у одамлар бундан анча йиллар аввал ташлаб кетган, энди тошга айланиб қолган отлар, автомобиллар ва аравачалар карвонига ўхшар экан, деб ўйлаб қолдим. Фақат қора юлдузли тойчоққина бу жонсизлар қаторида тирикдай туюларди: бўйинини ғоз тутиб, ўзини минишга журъат қилган ҳар бир кишини ағдариб ташлашга шайдек эди.

Мен унинг олдига келиб, юмшоқ тумшугини силадим. Тойчоқнинг қулоқлари қимирлагандай, гўё миниб айланишга таклиф қилиб менга хурсандчилик ва айёрлик билан қарагандай бўлди.

Кўнглим ғаш эди, лекин кўнглим негадир кўтарилган эди. Беихтиёр тойчоқнинг бўйнидан қучоқладим ва уни силаб туриб шивирладим:

— Эҳ, ажойиб, нодон, яхшилиқни билмайдиган тойчоққинам! Нега менга шафқат қилмайсан? Уста сеҳрлаб қўйганини, ҳар сафар ерга ағдариб ташлайверишингни билиб туриб, нега яна минишимни илтимос қиласан? Ҳаммаёғимни кўкартириб юраман, болалар бўлса устимдан кулишгани-кулишган, меҳрибон дадам эса икковимизга аччиқ қилиб сени отўйиндан олдиртириб ташламоқчи. Мана, менга оғир вазифа юклаган сен ҳам, бу вазифани бажармоқчи бўлган мен ҳам, қандай кунга қолдик.

Шундан кейин йиглаб юбордим.

Сеҳрланган тойчоқ қучогимдан чиқиб тум-шуги билан менга эркаланиб туртди, юзимга совуқ лабларини теккизди.

— Ўзингни бос, яхши йигитча, ҳеч қандай вазифа ҳақида энди гапирма, — шивирлади у қулогимга. — Мен сендан илтимос қилгандим. холос, сен эса олижапоблик қилиб қийинчиликлардан қўрқмай, илтимосимни бажаришга уриндинг. Шунча азоблар тортганингга жуда-жуда ачинаман, лекин бунга мен эмас, устанинг сеҳри айбдор. Нима десанг дейвер-у, эгардан йиқилгунигча бўлган бир неча дақиқа ичида ўзимни бахтиёр сезардим, шунинг учун энди мен ҳам сенга яхшилик қилмоқчиман. Шундай деб тойчоқ боши билан эгарни кўрсатиб қўрқмасдан минишни ва бундан кейинги ишлардан ҳайрон бўлмасликни илтимос қилди.

— Сенга шундай совга тайёрлаб қўйдимки, бутун дунёдаги болалардан жуда ҳам озига бу насиб бўлади, — деб қўшиб қўйди тойчоқ мен эгарга ўтиргач.

Шу вақт отўйин гижирлаб ҳаракатга келди, кейин ойдинда қотиб турган тойчоқлар, автомобиль ва аравачалар карвони борган сари тезроқ айлана бошлади. Яна ерга агдарилиб тушсам керак, деб қўрқиб иккала қўлим билан эгарга маҳкам ёпишиб олдим, лекин мени ҳайрон қолдириб қора юлдузчали тойчоқ худди сузаётгандек бир текисда чопиб борарди. Хурсанд бўлиб кетдим. Биз билан чопаётган бошқа тойчоқларга

қарадим. Энди улар бахтсиз, ёлғизликдан эзилгандай кўринарди, тойчоғим эса уларни бирмабир қувиб ўтиб кета бошлаганди. Борган сари у тезларди, ниҳоят у шундай тез чопа бошладик, энди бошқа тойчоқлар автомобилда кетаётганингизда йўл ёқасидаги дарахтлар сингари липилларди, охири улар худди қалин деворга ўхшаб кўрина бошлади.

Ўн мартами, юз мартами — қанча айланганимиз эсимда йўқ. Фақат энди атрофида ҳеч нарса йўқ, ойли осмонда юлдузлар чарақлар, қулоғим остида шамол гувилларди. Пастда эса худди эртақлардаги сингари гўзал, ёруғ кўчалар ва кўм-кўк дарахтларга бурканган шаҳар ястаниб ётарди. Ўзимни тўққиз бошли аждаҳо ўғирлаб кетган маликани озод қилиш учун учар гиламда кетаётган афсонавий шахзодалардек бахтли ҳис қилардим. Рост, ундан кейин ҳеч қачон қора юлдузчали тойчоқни миниб осмонда сайр қилган ўша кундаги каби хурсанд бўлмаганман! Мен бахтиёр эдим! Қандай бахтиёр эканлигимни сўз билан ифода қилолмасдим. Биз ўрмонлар ва тоғлар, дарё ва кўллар устидан учиб борардик, одамни мафтун қиладиган гўзаллик ва беҳисоб сирларга тўла бутун олам кўз олдимда намоён эди. Бу сирларни улгайгач очмоғим керак. Кейин яна шаҳарга кўзим тушди.

— Мана бу уйни кўряпсанми? — деб сўради тойчоқ мен яшайдиган кўча устидан учиб бораётганимизда. — Бу сенинг уйинг.

Шу уйда дадам ва бўвим ухлаб ётишибди, мен эса сеҳрли тойчоқда учиб юрибман, деб қувониб кетдим. Ахир мен қора юлдузли тойчоқ ағдариб юбормаган шаҳардаги биринчи бола эдим-да!

— Мана бу уйни ҳам кўряпсанми? — Мени ҳаммага қараганда кўпроқ масхара қиладиган бола яшайдиган кўча устидан учиб бораётганимизда сўради тойчоқ.

— Ҳа, ҳа, кўряпман, — бошимни силкиб жавоб бердим мен. Ўша ёмон бола каравотда хуррак отиб ётиб, бундай лаззатдан маҳрумлигини сезиб хурсанд бўлиб кетдим.

Менга таниш ёки нотаниш болалар ухлаб ётишган уйларни кўрарканман, ўнгимда юз бе-раётган нарсалар ҳатто уларнинг тушига ҳам кирмаслигини ҳис қилиб, яна хурсанд бўлиб кетдим.

— Мени деб чеккан азобларинг эвазига сени хурсанд қилгандирман энди, — деди тойчоқ.

— О-о, бўлмасам-чи! — қичқирдим отўйин ўрнатилган шаҳар боғига яқинлашиб келаётганимизни кўриб. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, қора юлдузчали тойчоқ отўйиндаги ўз ўрнини эгаллади. — Сендан жуда-жуда миннатдорман, сеҳрли тойчоқ!

Қора юлдузли тойчоқ гапимга шубҳа қилгандай бошини чайқаб қўйди.

— Мен сеҳрланган эмасман, уста отўйиндаги тойчоқларни бошқа ёғочдан, мени бошқа ёғочдан ясаган, холос, — осмон сайридан чарчаган

бўлса керак ҳансирарди у. — Барча қийинчиликларни енгишга кучи ва гайрати етарли бўлган болагина мени бўйсундириши мумкин. Бунинг устига унинг олижаноб қалби ва бошқаларга ёрдам беришга қаттиқ интилиши бўлиши керак. Сен худди мана шундай яхши йигитсан, энди мен сеникиман, керагича минаверишинг мумкин, ҳеч қачон эгардан ағдармайман.

— Осмонда, ўрмон ва тоғлар, дарё ва кўллар устида ҳам сайр қилдирасанми? — ҳаяжонга тушганимдан нафасим бўғилиб сўрадим.

— Ҳа, албатта! Қаерга хоҳласанг, ўша ёққа боришинг мумкин.

— Ундай бўлса, эртага яна келаман.

— Майли, болакай. Сени кутаман, — жавоб қилди қора юлдузчали тойчоқ.

Эртасига отўйин олдига яқинлашишим биланок болалар мени масхара қилиб қўшиқ бошлаб юборишди:


Куйлайлик қўшиқ бир-бир:
Келаётир бир ботир!
Бу ақлсиз чавақдоз
Ерга ағдарилар боз!

Қўлимда тайёр билет билан навбатимни кутиб турганим учун отўйин тўхтаган заҳоти қора юлдузчали тойчоқ олдига чоғиб бордим-да, эгарга миндим.

Болалар эса қўшиқнинг мана бу бандини айтиб қичқира бошлашди:

Ерга тушса бош оша,
Бўлар қизиқ томоша!
Бу ақлсиз чавандоз
Бурнин қонатади боз!

Аммо қўшиқнинг учинчи бандини айтиб, мени масхара қилиш уларга насиб бўлмади. Отўйин бир айланди, икки айланди, тойчоқлар, автомобиллар, аравачалар карвони борган сари тез айланар, мен эса қора юлдузчали тойчоқда хотиржам ўтириб, гўё ҳавода сузаётгандай учиб борардим. Тойчоқ борган сари тезлар, бошқаларни қувиб ўтар, мен эса ҳайратдан юзлари чўзилиб, оғизлари очилиб қолган болаларнинг ҳасаддан ёнаётган кўзларини зўрга кўриб улгурардим. Ниҳоят, бу юзларнинг ҳаммаси бирига қўшилиб кетди, кейин бутунлай кўринмай қолди. Шунда мен тойчоқнинг сеҳри бекор бўлганини, энди у отўйиндан ажралиб уча бошлаганини сезиб қолдим. Катта бўлгач, ажойиб дарё, қўл ва ўрмонлар тепасида учаман, тоғларнинг энг юксак чўққиларига кўтариламан.



ЛАГАНБАРДОР ПИЁЗ

Ёзда кунлар қизиб, сабзавотлар жопларидан умидларини узиб қўйишган экан. Шу вақт бека пақирда сув олиб келиб эгатга қуйибди ва ҳамма ўсимликлар бирданига жонланиб кетишибди.

— Бу олижаноб аёл бизни ўлимдан сақлаб қолди! — ҳаяжондан қизариб дебди помидор. — Қандай қилиб бўлса ҳам унга миннатдорчилик билдириш керак.

— Мен уни меҳмон қиламай, — дебди қуюқ баргли редиска.

— Бека ҳозир омборга кириб кетди, — гаи қўшибди помидор. — У ердан қаймоқ олиб чиқади, кейин редиска ва помидорга қўйса, ажойиб нарса бўлади!..

— Мен ҳам қўшиламан! — иргиб ўрнидан турибди пиёз.

— Ўпкангни бос, — унинг огзига урибди бодринг. — Сендақа сассиқ нарсага полизда жой берганимизга ҳам шукур қил. Олижаноб бека-мизпинг олдига боришингга ким рухсат берарди? Биз бугун унинг хурсанд бўлишини хоҳлаймиз, сен бўлсанг, хурсанд қилиш ўрнига кўзёшларини тўктирасан.

— Бека мени ҳам сугорган, ахир нима биландир кўнглини овлашим керак-ку, — йигламсираб дебди пиёз.

— Сенсиз ҳам хурсанд бўлавереди, — унинг гапини бўлибди бодринг.

Бошқалар бодрингнинг гапини маъқуллашибди ва эгатларини ташлаб, беканинг столи томонга жўнашибди. Редиска ва помидор дарров қаймоққа аралашибди, бодринг ўзини косадаги асалга урибди, ўз қадрини биладиган қулупнай эса энг охирида келиб, ўзини шакарли сут қуйилган тарелкага ташлабди.

— Агар пиёз ҳам қўшилса, ажойиб хушхўр нарса бўларди, — дебди бека очик деразадан полизга назар ташлаб.

Пиёз бунни эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетибди ва эгатдан иргиб тўппа-тўғри столга келиб тушибди.

— Бу сафар бу ажойиб аёлнинг кўзёшларини тўктирмайман. Нафас олмай шундай тураманки,

унинг кўзидан битта ҳам томчи тўкилмасин, — дебди у ўзига-ўзи.

— О, азиз меҳмои! — пиёзни кўриб қувониб кетибди бека ва унинг кийимларини еча бошлабди. — Қандай янгиликлар бор? Дуруст яшаб турибсанми?

Лекин пиёз нафас чиқармаслик учун гапирмабди.

— Бугун, азизим, галатироқмисан? — ҳайрон бўлибди бека. — Ўзингга ҳеч ўхшамайсан! Айт-чи бирор гап бўлдими?

Пиёз ширингина жилмайиб қўйибди, яноқларини шиширибди-ю, аммо нафас чиқармаслик учун яна индамабди.

— Ғалати бўлди-ку... — деб ғудурлабди бека ва пиёзни бурнига яқин келтириб, ҳар томонидан ҳидлаб кўрибди. — Умрим бино бўлиб ҳиди йўқ пиёзни биринчи марта кўришим. Шўрлик айниб қолганга ўхшайди.

Бека бу гапларни айтиб, уни ахлат пақирига ташлаб юборибди-да, бошқа пиёз олиб келгани полиз томонга чиқиб кетибди.

МУНДАРИЖА

Чумоли бўрнинг адабини бергани ҳақида	5
Йиглоки бодринг ҳақида эртас	11
Айиқнинг ўч олмоқчи бўлгани	17
Бебош айиқча	21
Сехрли ёстик ва қадок қўллар	28
Кеккайган нўхат	35
Оқсоқ бўлиб қолган Шержон	37
Қайсар Қастите	39
Ким кимдан ўрганибди?	48
Дайна ва қўйтикан	50
Паррандалар мунозараси	56
Ҳашаматли уй	58
Ит очган мактаб	60
Сабзавотлар мажлиси	63
Сехрли тойчоқ	72
Лаганбардор пиёз	92